БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 225 (17.805). • 30 сентябрь 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

ТЕРИМДА ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

ОРБИТАДА УЧ ЙИЛ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 29 сентябрь. (ТАСС). Ер атрофи орбитасига 1977 йил 29 сентябрда чиқарилган «Салют-6» илмий станцияси космик фазода уч йил давомида ишлаб турибди.

Шу даврда станцияда учта асосий экспедиция ва 8 та қатнов экспедиция ишлади, «Союз», «Союз-Т», «Прогресс» типидаги транспорт кемалари 24 марта туташтирилди. «Салют-6» станциясидан фойдаланиш жараёнида илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларнинг кенг программаси бажарилди, одам бошқарадиган ва узоқ вақт учадиган космик комплексларнинг яратиш соҳасида катта тажриба орттирилди. Тўртинчи асосий экипаж ишини ҳисобга олган ҳолда одам бошқарадиган режимда станция учишининг умумий вақти бир ярим йилдан ошиб кетди.

Леонид Попов билан Валерий Рюмин 173 суткадан буён орбитада парвоз қилмоқда. Бугун уларнинг программасида контроль медицина текширишлари, велоэргометрда ва «югурувчи» йўлкада жисмоний машқлар ўтказиш, «Чибис» вакуум костюмидан фойдаланган ҳолда машқлар қилиш кўзда тутилган.

«Қотишма» электр иситиш печида 26 сентябрда бошланган технологик эксперимент бугун ниҳоясига етди. Навбатдаги эритма вазнсизлик шароитида кадмий — симоб — теллур ярим ўтказгич материалларнинг монокристаллини ҳосил қилиш мақсадида бажарилди.

Кун давомида экипаж Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ қилиш ва атроф муҳитни ўрганиш программасини бажаришни давом эттирмоқда. Жумладан, космонавтлар метеорологларнинг топшириқларига мувофиқ Ер юзининг турли районларида атмосфера фронтларини, планетанинг экваториал зонасида тропик циклонларни кузатмоқдалар ва фотосуратга олмоқдалар. Бу ишлар об-ҳавонинг қисқа муддатли прогнозларининг ишончли бўлишини ошириш учун оператив ахборот олишда бажарилмоқда. [illegible] метрик ахборот маълумотларини ўз ва экипажнинг [illegible] ўра, «Салют-6» — [illegible] а 6—7 орбитал илмий-тадқ[illegible] терплексининг парвоз[illegible] моқда.

Космонавтлар [illegible] билан Валерий [illegible] ни яхши ҳис эт[illegible]

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳозир пахта йиғим-теримида энг қизғин палла. Республикада учинчи миллион тонналик «оқ олтин» хирмонининг тикланишига ҳам яқин қолди. 28 сентябрь куни пахтазорлардан 198.388 тонна «оқ олтин» териб олинди. Мавсум бошидан буён 2.720.351 тонна, шу жумладан 117.889 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Шу кунларда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларининг деҳқонлари айниқса фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар куни йиллик планга нисбатан 5 процентдан зиёд пахта тайёрлашга эришяптилар.

Пахтакор ўртоқлар! Барча терим агрегатлари юксак унум билан ишлатилиши, бironта ҳам машинанинг бекор туриб қолишига йўл қўйилмаслиги даркор. Бу фақат механик-ҳайдовчиларгагина эмас, балки колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ҳамда «Госкомсельхозтехника» корхоналари ходимларининг ишига ҳам боғлиқдир. Ҳосил йиғим-теримини намунали ўтказиш учун барча шароитларни яратайлик! КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олайлик!

СУРХОНДАРЁДА БИРИНЧИ

Шўрчи районидаги К. Маркс номли колхоз меҳнаткашлари Сурхондарё областида биринчи бўлиб йиллик топшириқни ado этдилар. Улар қабул пунктларига 4200 тоннадан зиёд аъло сифатли хом ашё топширдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 38 центнерга етказилди.

Колхознинг Давлатёр Юсупов, Турди Шомуродов, Чори Ёрматов бошлиқ бригадаларининг заршунослари ҳар гектар ердан биринчи теримдаёқ 45—50 центнердан ҳосил кўтариб, чинакам маҳорат кўрсатдилар.

Механизаторларнинг хизмати мақтовга лойиқдир. Хушвақт ва Мамади Бобоқулов, Давлатёр Чориев сингари механизаторлар ўз агрегатларини бетўхтов ишлатиб, бункерлардан 200 тоннадан жавоҳир тўкишга эришдилар.

Хўжалик коллективи СССР Конституцияси кунигача давлатга яна 1400 тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан мажбурият олдилар.

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Ғузор районидаги К. Маркс номли колхоз заршунослари эл хирмонига 18 минг тоннадан ортиқ дурдона армуғон этиб, беш йиллик планни муваффақиятли уддаладилар. Хўжаликнинг Файзи Шафоатов, Орол Раҳимов, Диёр Тўраҳоновлар бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик беш йилда ўртача 35—37 центнердан ташкил этди. Хўжалик азаматлари мавсум охирига қадар мамлакатга яна 3 минг тонна аъло сифатли маҳсулот топширадилар.

Шаҳрисабз райони меҳнаткашлари ингичка толали пахта тайёрлаш бўйича якуловчи йил топширигини муддатидан илгари бажардилар. Шаҳрисабзликлар мавсум охиригача яна 6 минг тонна қимматбаҳо ипак пахта тайёрлашга қарор қилдилар.

ҚУШАЛОҚ РАПОРТ

Фарғона область Киров районидаги «Москва» колхози пахтакорлари бир йўла икки рапортга имзо чекдилар. Колхозда пахта тайёрлаш йиллик плани ва беш йиллик топшириғи муваффақиятли бажарилди. Хўжалик азаматлари беш йил мобайнида мамлакатга пландаги 21.368 тонна ўрнига 25068 тонна дурдона армуғон этдилар, Ҳосилдорлик гектар бошига қариб 35 центнерга етказилди.

Колхоздаги мавжуд 24 та пахтачилик бригадасининг 18 таси олинган социалистик мажбуриятни бажариш арафасида турибди. Бу коллективларга ташкилотчи, моҳир деҳқонлар етакчилик қилмоқдалар. КПСС XXV съезди делегатлари Мамад Аҳмаджонов ва Мирзатулло Уролов, шунингдек, Алиназар Нишонов, Дўстназар Умаров, Тўғанбой Пўлатов ва бошқалар ана шулар жумласиндандир.

«Москва» колхози пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб, кўриб, ҳар гектар ердан яна 13,4 центнердан ҳосил йиғиб-териб олишга қарор қилдилар.

Шу кунларда «зангори кема» капитанларининг иши ҳар қачонгидан қизиғ. Улар дала гвардиячилари деган номни ўз меҳнатлари билан шарафлаяптилар. Ҳар бир механизатор чамандек очилган «оқ олтин»ни тезкорлик билан териб олиб, кунлик нормасини икки-уч ҳисса қилиб адо этаётир. Булар қаторида сурхондарёлик донгдор механизатор Хўжамқул Рустамов ҳам бор. Суратларда: (юқорида) Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механизатори Х. Рустамов. Пастда эса Тошкент область Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхознинг Талъат Бухоров бошқарувчилик қилаётган бўлимда машина терими акс эттирилган. Бўлимнинг Бекназар Матризаев, Тожиали Боймиров, Абдумалик Тўхтасинов, Нармон Зиккриев сингари илғор механизаторлари кунига 10—12 тоннадан пахта теришяпти.

А. Абалян ва В. Молгачев фотолари.

5 ВА 50 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 29 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	5,10	73,48	4,78	65,81
Бухоро	2,71	62,81	2,62	24,12
Қашқадарё	3,06	58,94	2,66	37,07
Сурхондарё	2,82	56,19	2,92	41,76
Фарғона	3,00	46,91	2,75	19,26
Жиззах	5,03	41,68	5,78	42,55
Самарқанд	3,57	41,66	3,15	19,91
Хоразм	3,22	41,61	2,76	20,43
Андижон	2,86	38,10	2,28	11,64
Сирдарё	5,10	36,69	5,69	35,38
ҚҚАССР	3,78	36,39	3,44	24,11
Наманган	2,79	31,60	2,33	10,60
Республика бўйича:	3,42	46,90	3,45	30,06
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Бухоро	1,75	39,07	0,39	0,79
Сурхондарё	2,78	37,04	3,16	18,30
Қашқадарё	1,37	26,38	1,26	7,17
Наманган	2,22	20,01	—	0,30
Республика бўйича:	2,27	33,68	2,25	12,88

МОСКВАГА ВИЗИТ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Ҳиндистон Республикасининг Президенти Н. С. Редди расмий дўстона визит билан 29 сентябрь куни Москвага келди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

СУРХОН САРДОРЛАРИ

Репортаж

Шу кунларда Сурхондарёнинг дала гвардиячилари пахтазорларда жавлон уряптилар. Ҳамма жойда терим тароналари янграйди. Терим машиналарини далага тўла сафарбар этиб, уларнинг юксак унум билан ишлашини таъминлаётган хўжаликларда кунлик суръат кескин кўтарилиб бормоқда.

Биз Қизириқ ва Истара даштларига йўл олдик. Етимқум чўллари этагидаги унумдор ерларда Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозининг белоён пахтазорлари ястаниб ётибди. Дефолиациядан кейин барги тўкилган ғўзалар устига гўё лайлаккор ёққанга ўхшайди. Далалар файзли, одамларнинг кайфи чоғ, руҳи тетик. Октябрдаги мусобақаси авжида.

Шу кунларда Сурхон воҳасидаги дала даргаларига карвонбошилик қилаётган саҳро султонлари — Шеробод—Сурхон чўлларини ўз измига бўйсундирган азамат ва донгдор механизаторлар Холмўмин Сафаров ва Хўжамқул Рустамовлар бажараётган аҳл бовар қилмайдиган, ҳақиқий қаҳрамонона ишлар ҳақида икки оғиз ҳикоя қилмоқчимиз. Ҳар иккала баҳодир чўл шунқорлари бу йил мавсумда 620 тоннадан «оқ олтин»ни пўлат этак»лардан тўкишга аҳд қилиб, беллашяптилар.

Мана, катта йўлнинг ҳар икки томонидаги пахтазор СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР Олий Совети депутати Холмўмин Сафаров бошлиқ комплекс механизациялашган бригалага карашли. Майдони 250 гектар. Шундан 150 гектари ипак пахта. Азамат заршунослар гектаридан бу йил 50 центнердан, жами 1250 тонна «оқ олтин» олишга сўз беришган. Ҳосилнинг 90 процентини машиналар бункеридан тўкишга қарор қилишиб, мавжуд 8 агрегатнинг ҳаммасини теримга сафарбар этишган. Бригадада ҳар куни йиллик планнинг 6—7 проценти миқдорида сифатли пахта тайёрланяпти. Улар плани 5 октябрга, юксак социалистик мажбуриятни октябрь ойи давомида бажариш учун курашяптилар.

...Холмўмин «пўлат от»ни тўхтатиб, биз билан илиқ сўрашди.

— Олимлар меҳнатига тасаввуф, — дейди Холмўмин мамнун бўлиб, — мен бошқараётган «Ўзбекистон—ХН — 3,6» маркали агрегат билан икки сменада кунига 25—30 тоннага етказиб пахта териш мумкин. Бу қариб 300 нафар чевар теримчининг бир кунлик терган пахтасига тенгдир.

Донгдор механизатор, дала гвардиячилари даргаси Х. Сафаровнинг 12 сентябрдан терган пахтаси 400 тоннадан ошиб кетди. Бу ўрта ҳисобда кунига 26—27 тоннага тўғри келади! Холмўминнинг шу беш йилликда терган пахтаси 3000 тоннага борди.

Холмўминнинг мусобақадоши икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, шу совхозининг илғор бригадаси бошлиғи Хўжамқул Рустамов ҳам Сурхон сардорларининг энг олдинги сафидан ўрин олди. У 1 сентябрда машина теримига тушиб, 500 тоннадан ошиқ пахтани «пўлат этак»дан тўкди. Ёки унинг кунига терган пахтаси ўрта ҳисобда 23—24 тоннага тўғри келади.

Хўжамқул раҳбарлик қилаётган бригада ишчилари 1976 йилдан бери ҳар йили муттасил гектаридан 50—55 центнердан хирмон кўтаришяпти. Улар бу йил 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлагандар. Биринчи машина теримдаёқ бригада ерларидан 38 центнердан ҳосил териб олиниб, йиллик план ошириб уддаланди. Азамат коллектив аъзолари октябрь ойи ўрталарига социалистик мажбуриятларини бажариш учун жадал курашяптилар.

...Хўжамқул Рустамов муфта ричагини оҳиста қўйиб юборишу билан «зангори кема» жойидан кўзғалиб, ўз барабанлари билан пайпаслаб, чаноқлардан оқай деб турган оппоқ пахтани «ямлаб юта» кетди. Комбайн ортида эса ҳосилнинг асосий қисмидан тозаланган ғўза туплари-ю, кизғин-кулранг далалар қолиб бораради. У 4 эгатдаги пахталарни 400 метр масофагача териб боргач, бункери тўлди. «Пўлат этак»даги юкини тележкага ағдаргач, яна йўлида давом этди. Ана, азамат «пўлат от»нинг юрак уриши баралла эшитилиб турибди Хўжамқулнинг шу куни терган пахтаси 23 тоннадан ошиб кетди У якуловчи йилда олган мажбурияти — 620 тонна пахтани қечи билан 6—7 октябргача хирмонга уйишга сўз берди.

Дала гвардиячиларининг фидокорона меҳнати туфайли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жиянқул Рустамов бошлиқ бўлими фақат шу хўжаликда эмас, балки районда ҳам пешқадамлик қиляпти. Биз дала гвардиячиларининг даргалари — Сурхон сардорларига янги парвозлар тилаймиз.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ПРОГ[illegible] ПАР[illegible]

ТАСС [illegible]

«Салют-6» [illegible] тадқиқот [illegible] бундан буён[illegible] ўлчамлаш программасига мувофиқ 1980 йил [illegible] ябрь куни Москва [illegible] билан соат 18 дан 10 [illegible] ўтганда Совет Иттифоқ[illegible] «Прогресс-11» автомат юк ташиш кемаси учирилди.

«Прогресс-11» кемасини учиришдан мақсад «Салют-6» орбитал станциясига ишлатилиб, [illegible] материалларни ва турли юкларни элтиб беришдан иборат.

Телеметрия ахборотлари маълумотларига кўра «Прогресс-11» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

САМАРҚАНД, 29 сентябрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Самарқанд область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг «Республикада ёшларнинг касб танлаш борасидаги ишларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги қарорини бажариш соҳасида халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органларининг фаолиятини муҳокама этди. Область ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқулов шу масала юзасидан доклад қилди.

Сессияда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов нутқ сўзлади.

Сессия муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

МУЗИКА ФЕСТИВАЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Музика жанрларининг ранг-баранглиги, юксак ижрочилик маҳорати — КПСС XXVI съездига бағишланиб Ўзбекистонда ўтказилаётган совет музикаси Бутуниттифоқ фестивалининг характерли хусусиятидир. Фестиваль «Ленин партиясига шон-шарафлар» шиори остида ўтказилмоқда.

Меҳмонлар республика пойтахти аҳолисига кўрсатган концерт программаси мароқли бўлди. «Баҳор» концерт залида берилган катта симфоник концерт Михаил Дудин шеърига Андрей Петров куй басталаган «Революция шарафлайман» қўшиқ кантатаси билан бошланди. Москва, Ленинград, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон композиторларининг асарлари ижро этилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, Ленин мукофоти ҳамда СССР ва РСФСР Давлат мукофотларининг лауреати Тихон Хренниковнинг авторлик концерти эўр муваффақият билан ўтди.

Республиканинг хизмат кўрсатган коллективи — Ўзбекистон ССР халқ артисти, халқаро конкурслар лауреати Зоҳид Ҳаҳназаров раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ёш музика мухлисларини концертга таклиф этди. Болалар учун Сергей Прокофьев, Тихон Хренников, Карэн Хачатурян, Виктор Войтик, Мурод Кажлаев, Назиб Жиганов асарлари янгради.

Камер музикаси концерти программасига Арманистон, Латвия, Молдавия, Тожикистон ва Туркманистон композиторларининг асарлари киритилди. Тошкентликлар мамлакатнинг етакчи қўшиқчилари ва созандаларининг санъати билан ҳам таништилар.

Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари ҳузурида бўлди. Москва, Украина, Латвиядан келган композиторларнинг катта бир группаси «Таштекстильмаш» заводи ишчилари ва инженерларининг меҳмони бўлишди. Москва камер театрининг артистлари «Миконд» заводида ўз санъатини намойиш этдилар. Пойтахтда энг йирик киноконцерт зали қад кўтараётган қурилиш майдончаси музика маданияти арбоблари билан бинокорларнинг учрашув жойига айланди. Тошкентликлар меҳмонларга съездолди меҳнат вахтасида эришган ўз муваффақиятлари ҳақида гапириб бердилар, уларни янги залнинг саҳнасида ўз маҳоратларини намойиш этишга таклиф қилдилар.

Фестиваль қатнашчиларининг республика областлари бўйлаб сафари давом этмоқда. Меҳмонлар Самарқанд чинни заводига етиб келганларида корхона дарвозаси олдида завод ҳаваскор артистлари уларга пешвоз чиқдилар. «Волга оқмоқда» қўшиғи баралла янгради. Қўшиқ автори — РСФСР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Марк Фрадкин ўз ижодий режалари ҳақида гапириб берди. Корхона ишчиси Равшан Аҳмедовнинг эўр маҳорат билан доира чалишини меҳмонлар қизғин қарсаклар билан олқишладилар.

Композитор Владимир Комаров Чимбой районидаги «Октябрь» совхози шоликорлари билан суҳбатда бундай деди: «Қорақалпоғистон меҳнаткашлари билан қилган дўстона суҳбатлар бизда унутилмас таассурот қолдирди». Меҳмонлар Омонгул Илёсованинг комсомол-ёшлар бригадасига музикали салом олиб келишди. Бу қиз уч йил муқаддам, ўн йиллик мактабни тамомлагач, шолиполда ишлай бошлади, бригадага бошчилик қилди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Омонгул Илёсова «рекорд миқдорда — гектар бошига 70 центнердан «ҳаҳрабо дон» ҳосилини йиғиштириб оламиз», деб меҳмонларни ишонтирди.

Ленинградлик композитор, РСФСР Давлат мукофотининг лауреати Валерий Гаврилиннинг янги қўшиғи «Ака-укалар» деб аталади. Қўшиқ фронтдаги қардошликка, қўролдош ўртоқларга бағишланган. Бу асарни эса наманганликлар биринчи бўлиб тингладилар. Ўзбек композитори Эдуард Қаландаров совет деҳқонларининг қаҳрамонлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи ўзининг «Тўлқиндаги гулчамбар» янги қўшиғи билан таништирди.

«Ўзбек диёридаги бу учрашувлар, дейди композитор Валерий Гаврилин, — бизларни совет кишиларининг ғуёаллигини улуғловчи янги асарларни яратишга, шубҳасиз, илҳомлантиради».

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНИБ, «ЛЕНИН ПАРТИЯСИГА ШОН-ШАРАФЛАР» ШИОРИ ОСТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛГАН СОВЕТ МУЗИКАСИ БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИДА ҚАТНАШГАН ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXVI съездига бағишланиб «Ленин партиясига шон-шарафлар» шиори остида Ўзбекистонда уюштирилган ва кўп миллатли социалистик маданиятни пропаганда қилиш ҳамда бойитишда, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда, шунингдек республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнаган совет музикаси Бутуниттифоқ фестивалини ўтказишда актив қатнашганликлари учун қўйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри;

Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг эстрада-симфоник оркестри;

Москва камер музика театри;

Москва камер хори;

М. И. Глинка номидаги Ленинград давлат академик хор капелласи;

Эстония ССР давлат академик эркаклар хори;

Давлат академик шимолий рус халқ хори;

Ленинград қадимий ва ҳозирги замон музикаси камер оркестри;

Киев камер оркестри;

К. Уразов номидаги қирғиз халқ чолғу асбоблари давлат оркестрининг республикада хизмат кўрсатган коллективи;

Тожикистон ССР давлат рубобчи қизлар ансамбли;

СССР Композиторлар союзининг квартети;

С. Прокофьев номидаги давлат квартети;

Республикада хизмат кўрсатган коллектив — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри;

Ўзбекистон ССР давлат хор капелласи;

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг халқ чолғу асбоблари оркестри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил, 29 сентябрь.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

НАЗОРАТЧИЛАР ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА

ФАРҒОНА области пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида она-Ватанга 600 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш иштиёқида юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Областнинг барча районларида, колхоз ва совхозлари далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Йиғим-теримга бир тан, бир жон бўлиб киришган Фарғона пахтакорлари ҳосилни қисқа фурсатларда, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай териб олиш, Ватанни Фарғонанинг улкан хирмонларини бунёд этиш билан қувонтириш, зафар марраларини тезроқ забт этишга қатъий бел боғлаганлар.

Область халқ контроли комитети, қолаверса унинг жойлардаги органлари ана шу муҳим, сиёсий аҳамиятга молик бўлган кампанияни муваффақиятли ўтказиш юзасидан катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Қишлоқ меҳнат аҳлининг энг илғор, пешқадам вакилларини ўз теварагига уюштирган юзлаб постлар ва уларнинг минглаб аъзолари бу борада айниқса ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар.

Бу борада областнинг пахта топшириқларини пешқадамлик қилаётган Киров районида олиб борилаётган ишлар айниқса диққатни ўзига тортади. Пахта йиғим-терими муносабати билан бу районда ҳам янгидан 61 та мувақкат пост тузилган эди. Пахтани теришдан тортиб уни тайёрлов пунктларига топширишга қадар барча жараёнларни ўз назоратига олган бу постларнинг қариб 200 кишидан иборат назоратчилари хўжаликларда терим суръатини кун сайин кучайтириш, нобудгарчиликка, пахтани ифлос, хом теришга қарши курашда қоятда таъсирли ишларни олиб бормоқдалар.

Айниқса «Москва» колхозидаги бош назоратчилар группаси (раиси ўртоқ У. Ширинов) олиб бораётган кенг миқёсдаги ишлар эътиборга сазовордир. Колхознинг учинчи бригадаси қошидаги цех группаси (раиси Ю. Муродов) теримчи уюшқоқлик билан ташкил этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бригаланинг областда пешқадамлар сафида ғалаларда ана шу тадбирлар изчиллик билан амалга ошаётганини кўриб мамнун бўласан киши.

Областнинг пахта топшириқларини пешқадамлик қилаётган Киров районида олиб борилаётган ишлар айниқса диққатни ўзига тортади. Пахта йиғим-терими муносабати билан бу районда ҳам янгидан 61 та мувақкат пост тузилган эди. Пахтани теришдан тортиб уни тайёрлов пунктларига топширишга қадар барча жараёнларни ўз назоратига олган бу постларнинг қариб 200 кишидан иборат назоратчилари хўжаликларда терим суръатини кун сайин кучайтириш, нобудгарчиликка, пахтани ифлос, хом теришга қарши курашда қоятда таъсирли ишларни олиб бормоқдалар.

Республика партия ва ҳукуматининг колхоз ва совхозлар, тайёрлов пунктларини 1980 йил пахта ҳосилини йиғиб-терib олишга ва тайёрлашга ҳозирлаш ҳақидаги қарори ҳаммага яхши маълум. Бироқ, областнинг баъзи районларида бу борада етарли ишлар амалга оширилмаётганлиги ҳам аниқланди. Шу йил сентябрь ойининг биринчи ярмида область халқ контроли комитети томонидан Тошлоқ районида ўтказилган текшириш кўпгина тадбирлар қоғозда қолиб кетганини кўрсатди. Аксари хўжаликлар беш йилликнинг тўрт йили бўйича пахта тайёрлаш планини бажаролгани йўқ. Машина терими плани ҳам ado этилмаяпти. Оқибатда қўл кучига эҳтиёж келяпти. Пахта таннархи ошиб кетмоқда.

Район партия комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитети пахта ҳосилини ўз вактида йиғиб-терib олиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар белгилаб, қарор қабул қилган бўлса-да, қатор хўжаликлар томонидан бу қарор етарлича амалга оширилмаётир. Шунинги ачинарлики, аксарият хўжаликларнинг раҳбарлари ўтган, йилнинг аччиқ сабоқларидан ҳалигача хулоса чиқариб олмаётирлар. Машина теримига ажратилган майдонларда агрегатлар бурилладиган жойлар тартибга келтирилмаганлиги, машина теримига ажратилган майдонларнинг пахтасини қўлда тердириб юбориш каби фактлар ҳам содир бўлмоқда. Бундан ташқари район хўжаликларида ҳозирга қадар ишчи кучлари йиғим-теримга тўла safарбар этилмаганлиги, қатор хўжаликларда кўплаб теримчилар кунлик топшириқларни ado этмаётганлиги ҳам маълум бўлди. Текшириш давомида аниқланган барча камчиликлар ва нуқсонлар оператив равишда бартараф этилди. Бу хил қусурларнинг қайта такрорланмаслиги юзасидан конкрет чора ва тадбирлар белгиланди. Район бўйича ўтказилган текшириш якунлари область партия комитети бюросида муҳокама этилди.

Область халқ контроли комитети ва унинг жойлардаги органлари тезлигини жиддийлашган минг-минглаб назоратчилар Фарғонанинг улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлида ўзларининг куч ва ғайратлари, билим ва тажрибаларини аймай safарф этадилар.

С. ТОШТЕМИРОВ.
Фарғона область халқ контроли комитети раиси.

Янгийўлдаги пахта тозалаш заводи халқ назоратчилари беш йиллик якунловчи йили мўл ҳосилини сифатли тозалашга катта ҳисса қўшишмоқда. Улар корхонанинг барча участкаларида ишни бир маромда ташкил этилиши устидан қатъий назорат ўрнатишган.

Суратда: завод халқ контроли группаси аъзоларидан лаборант Муборак Фозилова ва касаба союз комитети раиси Эргаш Қўлдошев янги ҳосил тойини кўздан кечиришмоқда.

В. Скроткин фотоси.

⊙ ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ — «ОҚ ОЛТИН» ЖОНКУЯРЛАРИ.

⊙ ЙИҒИМ-ТЕРИМ КОНВЕЙЕРИ БИР МАРОМДА ИШЛАСИН!

⊙ ГРУППА ВА ПОСТЛАР ЖАНГОВАРЛИГИ УСМОҚДА.

⊙ ЕНИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНАЙЛИК.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

✦ **НАМАНГАН.** Область халқ контроли комитети Косонсой районидаги «Ленин йўли» колхози халқ контроли группаси ишини маъқуллади. Халқ контроли ишида 136 киши актив иштирок этмоқда. Улар 12 та цех группаси, 4 та постга бирлашишган. Колхоз халқ контроли группаси текшириш ишларида уларга доимо амалий ёрдам бериб келади. Группа қошида 6 та сектор ташкил этилган бўлиб, турли соҳаларда назорат ишларини олиб боришади. Жумладан, шу йил давомида группа аъзолари томонидан 40 марта текшириш ва рейдлар ўтказилди. Шулардан 24 та текширишнинг натижаси группа, колхоз правлениеси, партия ташкилоти йиғилишларида муҳокама қилинди. 39 нафар раҳбар ходимлар содир бўлган камчиликлар юзасидан тушунтириш берди. Колхоз Уставини бузгани учун шахслардан 222 сўм жарима ундириб олинди.

Халқ назоратчилари ем-хашакни йиғиб олиш, пахта теримининг бориши устидан ҳам қаттиқ назорат ўрнатганлар. Группа аъзоларининг активлиги ошмоқда. Бу йилнинг ўзида уларнинг ҳар бири 3—4 марта текширишда иштирок этдилар. Улар орасида область Совети депутати М. Ҳамидова, Ленин ордени кавалери А. Раҳматова, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Т. Умарова ва бошқалар бор. Колхоз йиллик планларни муваффақиятли бажариб келаётганида халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

✦ **ТЕРМИЗ.** Область халқ контроли комитети колхоз ва совхозларда нефть маҳсулотларининг қандай аҳволда сақланишини текширди. Қумқўрғон райони колхоз ва совхозларида биринчи ярим йилликда 201,8 тонна ортиқча дизел ёнилғилари исроф қилинганн аниқланди. Бундай ҳолни Ангор, Гагарин, Жарқўрғон районлари хўжаликларида ҳам учратиш мумкин. Сариосиё ва Термиз районларининг колхоз ва совхозларида 1,5 тоннадан зиёд ёнилғи ортиқча ишлатилган.

Халқ контроли комитети нефть маҳсулотларини пала-партиш ишлатишга йўл қўяётган «Госкомсельхозтехника»нинг область бирлашмаси бошлиғи Н. Гарелов, область қишлоқ хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Ф. Олешко, область «Нефтеснабсбит» бошқармаси бошлиғи К. Раҳматқуловларни қаттиқ огоҳлантирди.

✦ **НУКУС.** Шаҳар халқ контроли комитети Қорақалпоғистон АССР марказлашган усулда юк ташиш трестига қарашли автохўжаликларда ёнилғи-энергия ресурсларидан қандай фойдаланилаётганини текширди. Халқ назоратчилари 19, 108, 120-автопарклар ва бир қатор ташкилотларда ёнилғи ҳаддан ташқари исроф қилинаётганини аниқлашди.

Комитет бу хўжалик раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрди ва ёнилғи-энергия ресурсларидан фойдаланишга муҳим эътибор бериш зарурлигини таъкидлади.

СУРЪАТНИ ЯНАДА ОШИРАМИЗ

...да жами 1753 та халқ контро... ...си ана шу муҳим иш билан ...йиғим-теримга киришиш ара... ...пахтакор хўжаликларда ...а муваққат халқ контроли ...шкил этилди. Уларнинг аг... ...ан деярли 2 минг киши... ...назоратчилар бевосита дала... ...ларда, хирмонларда, қа... ...да пачил равишда иш кў... ...ериш, уни ташиш, қабул ...да топшириш жараёнла... ...ўз назоратларига ол... ...шундаки, ана шу иш... ...ил қўйилган камчилик ...рача бўлса ҳам назо... ...ар ингоҳларидан четда ...қолмаслик учун ...ъкидлаб ўтмоқ керак... ...терими арафасида об... ...контроли комитети Боғдод ...ман «Большевик» колхозида се... ...семинар-кенгаш ўтказди. Семинар-кенгаш... ...нинг кун тартибига қўйилган масала... ...битта, яъни 1980 йилги пахта ҳосили... ...сира нобуд қилмай йиғиб-терib олишга ҳозириш, иш ва бу тадбирни амалга ошириш, пахта ҳосилини давлат омборларига сира нобуд қилмай топшириш масаласи эди. Шунга кўра район халқ контроли комитетлари йиғим-терим даври учун атрофлича ва пухта ўйланган тадбирлар белгилаб чиқдилар. Шу кеча-кундузда аксарият район...

...ба рапорти беришида халқ назоратчиларининг катта улуши бор. Шунингдек, 14-бригада халқ назоратчилари ҳам бу меҳнат коллективининг йиллик маррани биринчилар қатори эгаллашига муносиб ҳисса қўшдилар. Бригадада шу кунларда 60 центнерлик хирмон учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Бундай мисоллари кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози халқ назоратчилари бош группаси ҳам (раиси Х. Мадраҳимов) терим суръатини ошириш, нобудгарчиликка қарши курашнида ибратли ишларни амалга ошираётир. Яқинда группа аъзолари совхознинг «Коминтерн» бўлимида рейд ўтказдилар. Рейд давомида Б. Каримов бошлиқ бригадада 90 килограмм пахта чаноқда қолдириб., чала теригани туфайли нобуд бўлганлиги аниқланди. Назоратчилар тузган акт колхоз правленеси томонидан муҳокама қилиниб, бригадир қаттиқ огоҳлантирилди.

Фрунзе районидаги Калинин номли совхоз халқ назоратчилари ҳам пахта нобудгарчилигига қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. Яқинда улар иккинчи бўлимда йиғим-теримнинг боришини назоратдан ўтказишиб, С. Толипов бошлиқ бригадада жиддий камчиликлар содир бўлаётганлигини аниқладилар. Бу бригадада 360 килограмм пахта нобуд қилинган. Учинчи бўлимга қарашли Т. Иброҳимова бошлиқ бригадада эса 800 килограммга яқин пахта нобуд бўлган. Бу камчиликларга йўл қўйган бригада бошлиқларига нисбатан совхоз маъмурияти томонидан чора кўрилди.

Шунингдек, Риштон район халқ контроли комитети ҳам пахта йиғим-терими даврида қимматбаҳо хом ашёнинг нобуд бўлишига қарши кескин таъсирли чоралар кўрмоқда. Яқинда «Риштон» совхозининг «Жаҳонобод» бўлимида рейд ўтказган халқ назоратчилари Г. Қўлдошев бошлиқ бригадада пахта хом, ифлос терилаётганини аниқладилар. Чунончи, теримчилар пахтани дуч келган жойга тўкиб кетаётганликлари ҳам маълум бўлди. Бунга сабаб, бригада хирмонига асфальт ётқизилмаган. Назоратчиларнинг актив аралашуви билан хирмон икки кун ичида асфальтланди, пахтани ифлос теришга каби камчиликлар бутунлай барҳам топди. Шунингдек, совхознинг «Дутнр», «Авазбой» бўлимларида ўтказилган рейдлар ҳам яхши натижа берди.

Республика партия ва ҳукуматининг колхоз ва совхозлар, тайёрлов пунктларини 1980 йил пахта ҳосилини йиғиб-терib олишга ва тайёрлашга ҳозирлаш ҳақидаги қарори ҳаммага яхши маълум. Бироқ, областнинг баъзи районларида бу борада етарли ишлар амалга оширилмаётганлиги ҳам аниқланди. Шу йил сентябрь ойининг биринчи ярмида область халқ контроли комитети томонидан Тошлоқ районида ўтказилган текшириш кўпгина тадбирлар қоғозда қолиб кетганини кўрсатди. Аксари хўжаликлар беш йилликнинг тўрт йили бўйича пахта тайёрлаш планини бажаролгани йўқ. Машина терими плани ҳам ado этилмаяпти. Оқибатда қўл кучига эҳтиёж келяпти. Пахта таннархи ошиб кетмоқда.

Район партия комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитети пахта ҳосилини ўз вактида йиғиб-терib олиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар белгилаб, қарор қабул қилган бўлса-да, қатор хўжаликлар томонидан бу қарор етарлича амалга оширилмаётир. Шунинги ачинарлики, аксарият хўжаликларнинг раҳбарлари ўтган, йилнинг аччиқ сабоқларидан ҳалигача хулоса чиқариб олмаётирлар. Машина теримига ажратилган майдонларда агрегатлар бурилладиган жойлар тартибга келтирилмаганлиги, машина теримига ажратилган майдонларнинг пахтасини қўлда тердириб юбориш каби фактлар ҳам содир бўлмоқда. Бундан ташқари район хўжаликларида ҳозирга қадар ишчи кучлари йиғим-теримга тўла safарбар этилмаганлиги, қатор хўжаликларда кўплаб теримчилар кунлик топшириқларни ado этмаётганлиги ҳам маълум бўлди. Текшириш давомида аниқланган барча камчиликлар ва нуқсонлар оператив равишда бартараф этилди. Бу хил қусурларнинг қайта такрорланмаслиги юзасидан конкрет чора ва тадбирлар белгиланди. Район бўйича ўтказилган текшириш якунлари область партия комитети бюросида муҳокама этилди.

Область халқ контроли комитети ва унинг жойлардаги органлари тезлигини жиддийлашган минг-минглаб назоратчилар Фарғонанинг улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлида ўзларининг куч ва ғайратлари, билим ва тажрибаларини аймай safарф этадилар.

С. ТОШТЕМИРОВ.
Фарғона область халқ контроли комитети раиси.

Масъулият унутилгач

Жиззах область Ғаллаорол райони темир йўл станцияси раҳбарлари кейинги пайтларда ўз ишларига масъуллиятсизлик билан ёндашмоқдалар. Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари томонидан тайёрланган маҳсулотларни пешма-пеш истеъмолчиларга жўнатишда суст-кашлик кўрсатилаётир. Улар буюртма берилишига қарамасдан белгиланган муддатда темир йўл вагонлари ажратиш ишига панжа орасидан қараш-аётгани оқибатида давлат маблағи кўкка совурилмоқда.

Район тайёрлов идораси 80 тонна олмани жўнатиш учун вагон сўраган эди. Лекин буюртма орадан 12 кун ўтгачгина бажарилди. Ўтган кунлар ичида олманинг 15 процента яроқсиз ҳолга келиб, 2758 сўм чиқим кўрилди.

Район халқ контроли комитети станциядаги аҳволни батафсил ўрганиб чиқиб, камчиликларга йўл қўйган кишиларга тегишли чора кўрди.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Бошлиқ атрофга хиҳолатомуз тикилгач, гап бошлади:

— Бугун сизларга ўн учинчи маош сифатида тарқатилаётган пул аслида директорнинг ёрдам фондига тегишли маблағ. Шунинг учун олган пулларингизнинг тенг ярмини кассирга ташлаб кетинглар. Келадиган меҳмонларга банкет уюштирамиз.

Тўпланганларнинг тарвузлари қўлтиғидан тушди. Одамлар йил якунига қараб бериладиган мукофотнинг тарқатилишини жуда орзиқиб кутишган эди. Кимдир огриниб, бошқа бирон ғижиниб кассир М. Ризаевнинг олдига ўзига тегишли пулнинг ярмини ташлаб кетди. Кассир участкаларнинг ўн нафар ишчи ва хизматчисидан ушлаб қолинган 625 сўм пулни тавозе билан Ю. Холдоровнинг олдига аста қўйди. Холдоров шоша-пиша пулни олди-да, ободон санади ва чўнтагига солиб қўйди.

Намангандаги боғдорчилик совхозининг Чуст участкасида Холдоров ўзи хон, қўланкаси майдон. Хоҳлаган ишни қилади, кўнгли тусаган нарсадан ҳеч бош тортмайди. Хоҳлаган кишисини айтган вазифасига тайинлай олади. У 1976 йилнинг 16 апрелида бригадир О. Маматовнинг хотини ишга қабул қилинган ҳақидаги буйруқ ҳам имзо чекди. Бироқ Маматовнинг хотини бирор кун ҳам участкада ишламади. Шунга қарамасдан бригадир хотини номига ёзилган маошни ола бошлади. 1978 йилгача у давлатнинг 1167 сўм 54 тийинини жиғилдонига урди.

1978 йилдан бошлаб эса хотининнинг «иш ҳақи»ни участка мудирига берди. 1978 йилдан шу йилнинг беш ойигача Маматовнинг ёрдамида Холдоров 2352 сўм 16 тийинни қуртдек санаб олди.

Холдоров ўз нафсини ўйлаш билан бирга баъзи шахсларнинг ҳам давлат маблағини совуришига йўл очиб берди. Қўл-қўлни ювади, деган нақлга амал қилиб, 1978 йилнинг 27 ноябрида участка коровули Ўсаровнинг келинини ишчи қилиб расмийлаштирди. Ўсаровнинг келини бу ерда ёлчитиб ишламади. Лекин Ўсаров келини ўрнига имзо қўйиб, қисқа вақт ичида 1783 сўм 71 тийинни ўмарди.

Участкада кадрлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, С. Латипов махсус таълимга эга бўлмаса-да, смена мастери вазифасини бажаряпти. Тошкентда бир йил боғбонлик курсини тамомлаган Носир Умаров оддий ишчи қилиб тайинланган. Боғдорчилик-узумчилик бўйича агроном А. Нишонов уч йилдан бери катта инженер-механик бўлиб ишлаяпти. Шоферлик ихтисосига эга бўлган О. Маматов бригадирликка ўтказилган.

Участка мудирининг мушугини ҳеч ким, ҳатто Намангандаги боғдорчилик совхозининг директори М. Нишонов ҳам пишт демагани учун борган сари номаъқулчиликларни авжига чиқариб, босар-тусарини билмай қолган эди. Яхшики, яқинда область халқ назоратчилари знйраклик кўрсатиб Ю. Холдоровнинг қийнгир-қийшиқ ишларини фош этишди.

Н. АБДИЕВ.

ЛУҚМА

ҲОТАМТОЙ БОШЛИҚЛАР

Қўқон хром-тери заводи директори В. Павлов жуда хотамтой. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, у ходимларига қўшимча равишда 1,2 минг сўм командировка ҳақи тўлаган. Заводда 45 ишчига штатдан ортиқча 104,2 минг сўм ҳақ тўланган. Бундан ташқари тайёрланган товарларни ўз вактида жўнатмагани учун корхона 16 минг сўм жарима тўлади.

«Узкоопстроймонтаж» трестига қарашли механизациялашган кўчма колонна ва «Узторгстрой» трестининг 6-қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари эса битмаган объектлар сонини кўпайтириш билан шуғулланишмоқда. Улар Фурқатдаги савдо базаси қурилишини ўн йилдан буён чўзиб келишяпти. Бегам раҳбарлар «Узкоопстроймонтаж» трести механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи Я. Гуляев ва 6-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи К. Маткаримов қурилиш материаллари ва қимматли иш вақтининг беҳуда сарф бўлишига йўл қўйган.

Ш. ДАДАБОЕВ.

ДИҚҚАТ: ТАЖРИБА

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Биринчи қуюв цехи оқсай бошлади. Иш бир маромда бормас, қуюв сифати ҳам пасайиб кетмоқда эди. Цех халқ контроли группаси эса ана шу жиддий нуқсонларга деярли эътибор бермасди. Шу боисдан ҳам ҳисоботсайлов йиғилишида группа фаолиятига жиддий эътирозлар билдирилди. Халқ контроли группасининг янги состави цех партия ташкилоти раҳбарлигида ишга жиддий киришди. Ҳозирнинг ўзида брак маҳсулот камаяётгани, кокс тежаб-тергаб сарфланаётганини кўрсатувчи ижобий ўзгаришлар оз эмас.

Заводимиз халқ контроли группалари фаолиятига оид бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ишда жонкуярлик, план ва топшириқлар муваффақиятли бажарилиши учун изчиллик назоратчиларга муваффақият келтирмоқда. Заводимиз иккинчи квартал якунлари бўйича социалистик мусобақада ғолиб чиқди. қишлоқ хўжалигига белгиланганидан 189 минг сўмлик қўшимча эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли ялпи маҳсулот ҳажми бир йилда 16 процент кўпайишига эришилди.

Мана шу муваффақиятларда коохонамизда иш олиб бораётган 13-цех халқ контроли группаси ва 17 назорат постининг фаолияти муҳим ўрин тутаётир. Корхонамиз меҳнатчиларининг 11 процента назорат ишининг самарадорлигини оширишда бевосита қатнашмоқда. Биз ўз ишимизда иштисод режимига риоя қилишиш устидан назоратни кучайтиришга, ошкораликка интилмоқдамиз. Социалистик мулкни тежаб-тергаб асраш, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги техникани жорий этиш сингари муҳим масалалар билан ҳам мунтазам шуғулланилмоқда.

Халқ контроли группалари ва постларининг аъзолари одатда илғор, актив ва принципиал, коллективда обрў-эътиборли ишчилар, инженер-техник ходимлардир. Бош группа ана шу активга таянган ҳолда халқ хўжалик планларининг бажарилиши жараёнини изчил назорат қилиб турибди. Ишда чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, унинг таннархини камайтириш, ички резервлардан моҳирона фойдаланилишини таъминлаш мақсадида назорат ишининг хилма-хил усул ва услубларини ишга солмоқда.

Бизда ишлаб чиқаришнинг барча участкалари таъсирчан халқ назорати билан қамраб олинган. Ҳар биз назоратчи ўзига билдирилган юксак ишончга муносиб равишда иш олиб боришига эришилаётир. Бош группа текширишларни ўтказиш жараёнида фақат нуқсонларни аниқлаш билангина шуғулланмаётир. Биз асосий эътиборни ана шу нуқсонларни вужудга келтираётган сабабларни чуқур таҳлил қилишга, ишнинг аҳволини амалий жиҳатдан яхшилаш учун пишик-пухта тадбирлар белгиланишига қаратмоқдамиз. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳоллари талабчанлик билан принципиал муҳокама қилинаётир.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган илғ маҳсулотга яқинда давлат Сифат белгиси берилди. Ҳозирда ишчилар, инженер-техник ходимлар яна бир маҳсулотни Сифат белгисига тайёрламоқдалар. Завод маркаси учун авж олиб кетган бу мусобақада халқ назоратчилари ҳам бевосита иштирок этаётирлар. Бош группамизнинг аъзоларидан Н. Чопах, М. Скрипников ўртоқлар 1-, 2-, 3-, 4-цехларда асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг аҳволини мунтазам текшириб бормоқдалар. Бу ишда цехларнинг халқ назоратчилари уларга катта ёрдам кўрсатишмоқда. Уларнинг таклифи билан заводимизда қувватлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш имконини берадиган тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширилмоқда. Коммунист Б. Фёдоров раҳбарлигида иш олиб бораётган 3-цех халқ контроли группаси резервларни ишга солиш борасида алоҳида собиткадамлик кўрсатаётир. Цех коллективи планни аранг бажариб юрган кезларни корхонамизда ҳали унутишгани йўқ. Лекин назоратчилар мутахассислар билан ҳамкорликда цехда реконструкция ишини амалга оширишди. Янги юксак унумли асбоб-ускуналар ўрнатилди. Техника жараёни такомиллаштирилди. Натижада қолоқлик барҳам топди.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўпимсизлигига барҳам бериш учун кураш назоратчилар олиб бораётган ишларда муҳим ўрин тутмоқда. В. Хуторовский, Н. Гаранина, Ф. Ҳакимжонов, В. Шебенков сингари назоратчилар интирокида ўтказилган оммавий рейдлар иш вақтини бекор ўтказиш ҳолларини тугатишга катта ёрдам берди. Ишга кечикиб келиш сезиларли камайди. Кўпчилик участкаларда меҳнат унумдорлиги кескин ошишига эришилди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласига алоҳида эътиборни қаратган эди. Халқ назоратчилари ишлаб чиқариш участкаларида ўтказган текшириш материаллари асосида белгиланган тадбирлар металлар, айниқса алюминийни тежаш имконини бермоқда. Фақат сўнгги бир йилдагина 1976 йилдагига қараганда деярли 7 баравар кўп миқдордаги алюминий иқтисод қилиб олинди. Шуни айтиш кифоя, ки, ўнинчи беш йиллиқнинг ўтган муддатида халқ назоратчилари олиб борган изчил изланишлар туфайли корхонамизда 510 тоннадан зиёд рангли ва қора металл, 6,3 миллион киловатт-соат электр қуввати, 4,6 минг гигакалорий иссиқлик қуввати тежаб қолинди, иш вақтининг бекор ўтиши 10 процентдан кўпроққа камайтирилди.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида корхонамиз коллективи олдида жуда катта вазифалар турибди. КПСС XXVI съезднни муносиб кутиб олишга отланган ишчилар, инженер-техник ходимларимиз давлат планини 25 декабргача бажариш, қишлоқ хўжалигига қўшимча равишда 100 минг сўмлиқдан зиёд трактор ва автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб бериш учун кураш-моқдалар. Мана шу оммавий харакатда назоратчилар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Халқ назоратчиси В. Чайка раҳбарлик қилаётган смена коллективи «КПСС XXVI съездига —26 зарбдор ҳафтаси» шиори остида бошлаган социалистик мусобақа область меҳнат коллективларида кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Г. РОЙТМАН.
Самарқанддаги В. И. Ленин номли «Красний двигатель» заводи халқ контроли бош группасининг раиси.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИ

Ягона мақсад йўлида

Цехимиз коллективининг асосий вазифаси тўқувчилардан газламаларни олгач, таҳлаш, саралаш ва сифатини текширишдир. Харидорга чиройли, бежирим ва кўркам газламалар етиб бориши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам, назоратчилар масъулияти жуда катта. Цех халқ контроли группасига контролёр Кимё Утанова, юк ташувчи Аҳмаджон Саидов, катта контролёр Саодат Каримова ва бошқа ишлаб чиқариш илғорларидан тўққиз нафар меҳнатчилар бирлашган.

Уз-ўзидан шундай савол ҳам туғилиб қолиши мумкин: ахир, цехингиз коллективининг вазифаси назоратчилик экан-ку!! Тўғри, ҳаммамиз назоратчилармиз, мақсад битта, аммо вазифа турли йўллар билан ечилади. Шундай контролёрлар ҳам борки, фақат ўз бригадасини ўйлайди, қайси йўл билан бўлса ҳам, брак чиқмаса бас, рўпарада ишлаётган қўшнисн билан иши йўқ.

Ҳозир газламаларга гул босиш цехи ва тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг айблари билан юз метрлаб газлама қайта ишловга юборилмоқда. Ахир, корхонамиз бўйича йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан камида бир ярим ой олдин, реализация планини эса бир ой олдин ўрнилатишга сўз берганмиз. Шунинг учун ҳам газламаларни қайта ишловга қайтаришга ўрин қолдирмаслик лозим.

М. АКБАРАЛИЕВА,
Узбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг смена мастери, халқ контроли группасининг аъзоси.

РАССОМ ХАНДАСИ

ТУЯМИЖОЗ ҚУРИЛИШЛАР

Қаршидаги область колхозлараро қурилиш трести чорвачилик комплексларини бунёд этиш планларини уддалай олмаяпти. Бу борадаги план Шаҳрисабз, Китоб, Нишон, Қарши районларида 40 процентга ҳам етказилгани йўқ. Оқибатда бир қатор хўжаликларда чорвачилик объектлари битказилмай қолди. Китоб районидаги Свердлов номли, Қамаши районидаги «Коммунизм», Ғузор районидаги К. Маркс номли колхозларда ўтган йили бошланиб, шу йилнинг иккинчи кварталида фойдаланишга топширилиши лозим бўлган молхоналар ҳануз битказилгани йўқ.

Чироқчи районидаги «Коммуна» колхозининг молхоналарини реконструкциялаш суръатлари ҳам суст. Қамашидаги 5 та колхозда молхоналар ва бузоқхоналар қурилиши ҳали ҳам бошланмаяпти. Китоб районининг Навоий номли, Куйбишев номли, Свердлов номли колхозларида товуқхоналар қуриш ҳамон бошлаб юборилмаяпти. Охунбобоев номли совхозидаги сут-товар фермаси бинолари уч йилдан буён битказилмаяпти. Қурилиш материаллари етказиб берилмаслиги ана шундай сусталикнинг асосий сабабидир. Трест раҳбарлари объектларни қурилиш материаллари билан таъминлаш, битказилмаган объектлар сонини камайтириш ҳақида қачон бош қотиришаркин!

М. ТИЛЛАЕВ.

— Қишловни янги бинода ўтказсак яхши бўларди-да.

— Бэ-э, бу невараларимизга насиб қилса ҳам шукур қилгин.

ШИШАЛАР БЎШ...

Бойсун районидаги қишлоқларни айланганиз, кўплаб хонадонларда бўш шишалар қалашиб ётганлигини кўрасиз. Сайроб қишлоғидаги биргина хонадонда 1090 дона бўш шиша топилди. Хўш, нега улар уйни банд қилиб ётибди! Ахир бу идишлар тегишли корхоналарга жуда керак-ку! Гап шундаки, район аҳолиси бўшаган шиша идишларни қаерга топширишни билишмайди. Магазин ва дўконларда бўш яшик йўқ, деган баҳона билан шиша қабул қилишга эътибор берилмаяпти. Савдо ташкилотлари саноат корхоналарига бўш шишалар етказиб бериш топшириқларини муттасил уддаламаяпти.

Муҳим ишга панжа орасидан қараётганн учун аҳолидан бўш шишаларни қабул қилиб олишда жиддий суралиш содир бўлаётир. Область давлат савдо ташкилотлари шу йилнинг 1 августига қадар 1 миллион 107 минг дона, область матлубот жамияти 4 миллион 700 минг дона бўш шиша етказиб бермаган.

Бўш шишаларни қабул қилишни яхши ташкил этмаганлиги, уларни саноат корхоналарига вақтида топширмагани учун область давлат савдоси бошқармаси ўтган йил 31 минг сўм, шу йилнинг биринчи ярмида 19 минг сўм жарима тўлаган. Область матлубот жамияти ташкилотлари эса бу борада ўзига хос рекорд ўрнатишди. Улар ўтган йили 54 минг сўм, шу йилнинг биринчи ярмида 83,5 минг сўм жарима тўлашди. Кўриниб турибдики, жарима тариқасида тўланаётган жарақ-жарақ пуллар савдо ташкилотларининг раҳбарларига пашша чаққанчалик ҳам таъсир ўтказмаётир. Бўш шишалар эса ҳамон уйларнинг ертўлаларида, омборхоналарида чанг босиб ётибди...

А. УСМОНОВ.

— Тўхтат! Қаёққа!! Нима қиламан бу дардисарларингни!!

А. Холиқов расмлари.

Партия турмуши: хўжаликка раҳбарлик

МУҲИМ ТАРМОҚ

Чорвачилик—мўл-кўлчилик манбаи!

Барча совет кишилари маъмурчилик учун курашаётган бир пайтда бу шиор порлоқ коммунистик жамият қурилишининг муҳим шарти бўлиб қолди. Чорвадорларимиз ўз соҳаларининг самараси учун шу нуқтаи назардан туриб курашмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Оҳангарон, Қоннмех районлари қатори районимиз чорвадорларининг 1981—1985 йилларда гўшт ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан белгиларган тадбирларини маъқуллади.

Бу тадбирлар КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларига жавобан тузилган эди. Шуни айтиш керакки, бу тадбирлар кўриқ Жиззах области территориясининг қарийб ярмига тенг майдонда жамоат чорвачилигини ривожлантириш, моллар туёқ сонини ўстириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлида жонбозлик қилаётган минглаб чорвадорларнинг коммунистик мўл-кўлчилик яратиш йўлида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини муносиб кутиб олиш учун қилаётган чинакам аҳд-паймонларидан келиб чиқди. Бу ташаббус заминида яйлов баҳодирларининг ижодкорлик билан топган бир қатор резерв ва имкониятлари, уни ишга солиш йўллари ўз аксини топган.

Қишловни намунали ўтказиш ва қўзилатиш кампаниясидаги ғоётқ ишлар туфайли якунловчи йилда жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун пухта замин яратилди. Ўтган кузги-қишки ва якунловчи йил баҳоридаги иш якуни учун районимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги бу ишга берилган юқори баҳо бўлди.

«Чимқўрғон» совхозининг Ж. Сахов бошлиқ 1-фермаси чўпонлари партия ташкилоти раҳбарлигида беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан майдонга чиққан эдилар. Бу ташаббус барча хўжалик ва фермаларда ўз ижодошларини топди. Оқибатда район бўйича чорва маҳсулотлари етиштириш планлари муддатидан илгари ошиғи билан бажарилди. Ўнинчи беш йиллиги ўтган даври мобайнида давлатга 18 минг тонна гўшт, 8,5 минг тонна сут, 4,5 миллион дона тухум, 5 минг тонна жун, 72,5 минг дона қорақўл тери етказиб берилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам яхши натижалар қўлга киритилди.

Ильич номли, «Чимқўрғон», Киров номли совхозларнинг бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани самарали ташкил этишга эътиборни кучайтирдилар. Мусобақани ҳар ойда якунлаб туриш, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни мунтазам йўлга қўйдилар. Шу туфайли Қизилқум сақроёнда жойлашган Ильич номли совхоз чўпонлари сўнгги икки йилдан буён Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиблиқни эгаллаб келмоқдалар. Бу хўжаликда қўйлардан кўп қўзи олиш йўли билан бир отардан икки отар яратиш, қишни чиқимсиз ўтказиш ҳаракатлари пайдо бўлди. Шу хўжалик машъали Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Самон Пирназаров ҳамда унинг издошлари — Карл Маркс номли совхоздан Қобил Алқаров, «Қизилқум» совхозидан Муслим Бўронбоев, Киров номли совхозидан Али Қурбонов, «Чимқўрғон» совхозидан Мурод Мирзоидов ва бошқа яйлов боқиларлари қўйлар туёқ сонини кўпайтиришда ўзига хос тажриба мактабини яратдилар.

Биз ана шу илғорлар тажрибасини оммалаштириб, 1985 йилгача 1980 йилгига нисбатан гўшт етиштиришни 3 баробарга, қорақўл тери ва жун етиштиришни 25 процентга ошириш чораларини кўрамиз. Бунинг учун қорақўл қўйлари сонини ҳозиридан 1,5 баробарга кўпайтирамиз. Бунга совлиқларнинг отарлардаги салмоғини 70 процентгача етказиш йўли билан эришиш чораларини кўрамиз. Шунингдек, қорамоллар туёқ сонини 48, отларни 38 процентга, туялар сонини 5 баробарга кўпайтирамиз.

Район партия комитети бюроси ва пленумларида, бошланғич ҳамда цех партия ташкилотлари, партия-хўжалик активи йиғилишларида чорвадорлар ўртасидаги мусобақани янада кучайтириш, қишни чиқимсиз ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўроқ муҳокама қилинмоқда. Барча ташкилотчилик ва сиёсий ишлар ўнинчи беш йиллик якуловчи йили учун қабул қилинган юксак марраларни муваффақиятли бажариш билан бирга ўн биринчи беш йиллик марраларини муваффақиятли эгаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бугун минглаб коммунистлар қишловнинг бехатар ўтиши учун сафарбар этилган. Арнасой чўлида бунёд этилган «Известия» совхози қишлов учун мўл-кўл озуқа етиштиришда катта ишларни амалга оширмоқда.

Районимизда маҳсулот етиштириши кўпайтириш учун янги беш йилликка тузилган тадбирларни муваффақият билан бажариш мақсадида келаси йилнёқ «Чимқўрғон» совхозида 20 минг бош қўй боқиладиган бўрдоқичилик комплекси ишга туширилади. Дастлабки беш йил мобайнида бу комплекснинг қуввати 2 баробарга оширилади. Натижада бу ерга йилига 2 минг тонна гўшт ва 25—30 минг дона қимматбаҳо маҳсулот — қорақўлча етиштириш имконияти яратилади. Бройлер фабрикаси қурилиши ҳисобига 1983 йилдан бошлаб бу хўжаликда йилига минг тонна парранда гўшти етиштириш йўлга қўйилади.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш учун чўчқачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. «Известия» совхозида 24 минг бош чўчқага мўлжалланган замонавий комплекс барпо этилгач, 1984 йилдан бошлаб, гўшт етиштириш яна 3 минг тоннага оширилади. Киров номли, «Фориш», «Чимқўрғон» совхозларидаги фермаларда ҳам чўчқачиликни ривожлантириш тадбирлари қўрилаётир.

Чорвачиликни ривожлантириш талаблари яйловларни маданийлаштириш, емхашак етиштиришни кўпайтиришнинг янги резервларини ишга солиш йўли билан ҳам ҳал этилади. Юз минг гектар ердаги яйловлар яхшиланади. Қўйларни сим билан ўралган яйловларда боқиш тажрибаси амалга оширилади. Довдор озуқа ва витаминли ўт талқони етиштиришни кўпайтиришга эътибор кучайтирилади. Қўшимча равишда 256 қудуқ қазилади, 218 кошар қурилади. Чўпонлар учун уй-жой, маданий-маиший шароитларни яхшилаш район партия комитети ва район ижроия комитетининг доимий эътиборидаги масала бўлиб қолмоқда.

Бугун районимиздаги 35 минг бошдан зиёд қўйларни, 40 минг парранда ва 5 минг бошдан зиёд қорамолларни зоотехника қоидалари асосида ардоқлаб парваришлаётган чорвадорлар қишлов учун юз минг тоннага яқин дағал хашак, ўн минг тонна силос ғамладилар. Дағал озуқанинг минг тоннаси витаминлаштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев гўшт етиштиришни кўпайтириш — биринчи галдаги вазифа эканлигини таъкидлаган эди. Биз бу ишга амал қилиб, гўшт етиштиришни йил охиригача 4,5 минг тоннага етказамиз. Партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг ташкилотчилиги ва авангардлиги белгиланган вазифаларни шараф билан бажариш, чорвадорлик шарафини улуғлаб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун барча ички имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланишга қаратилмоқда.

С. ЕСИМОВ,
Фориш район партия комитетининг биринчи секретари.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

ЗАРШУНОСЛАР ХИЗМАТИДА

Қорақалпоғистон АССР Хўжайли райони пахтакорлари бу йил 50 минг тоннаник хирмон уйиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Маданий-оқартув муассасалари ходимлари эса «оқ олтин» ижодкорларига кўнгилдагидек маданий хизмат кўрсатишмоқда. Хўжайли шаҳар маданият бўлими алоҳида бригада ташкил қилди. Унга иккита автоклуб бириктирилган. Кўчма кутубхона ходимлари дала шийпонларида пахтакор ва механизаторларни китоблар, газета ва журналларнинг янги сонлари билан таништирмоқдалар.

Район санитария маорифи уйининг бош врачи Ф. Бекқўлатова, «Билим» жамияти район ташкилотининг масъул секретари И. Щербоев, педагогика билим юрти партия ташкилоти секретари Т. Мамбетниёзов, гўшт комбинатининг бош экономисти Қ. Шаркешев каби лекторлар «Ўзбекистон — Иттифоқимизнинг пахта базаси», «Пахта бойлигимиз, миллий нефтихоримиз», «Бугун теримда ким олдинда келяпти?», «Мусобақа ғолиби ким?», «Граммлардан тоннаслар», «Юқумли касалликларнинг олдини олиш», «Қишлоқ хўжалигида санитария-гигиенага амал қилишнинг йўл-йўриқлари», «Иқтисод ва тежамкорлик ҳақида» лекциялар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказмоқдалар.

Бригадага уюшган халқ чолғу ашула ва рақс ансамбли 16 кишидан иборат, унга Парпибой Ўтамуродов раҳбарлик қилмоқда. Ансамбль ҳаваскорларидан педагогика билим юрти студенти Амина Султонниёзова, пионерлар уйи методисти Наташа Ержоновалар, Ўзбекистон телеконкурсининг лауреатларидир.

Дала шийпонларида ўтказилаётган лекция ва суҳбатлардан кейин халқ талантлари иштирокида концертлар берилаётир.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

464 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашаётган коммунист Ҳушвақт Шарипов бошлиқ 6-бўлимининг Абулқосим Камолов бошлиқ 1-бригадаси аъзолари йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Бригада азаматлари 67 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилиб, ғалаба рапортига имзо чекилди.

Бригаданинг дастлабки меҳнат ютуғига Саидмурод Мардиев, Эрғали Тиловбердиев, Оқберди Камолов каби механизаторлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Йиғим-терим эса қизғин давом эттирилаётир. Социалистик мусобақа пешқадамлари бўлган бу бригада заршунослари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш мақсадида олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Шу кунларда улар гектар ҳисобига олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказиш учун барча имкониятларни ишга солаётирлар.

Совхозда ўзаро мусобақа илғорлари сафи кенгайиб бормоқда. Келдиёр Ҳақбердиев бошқарувчилик қилаётган 4-бўлим пахтакорлари ҳам тўрт йилдан бери давлат планини узлуксиз бажариб келади. Бу йил 375 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 24,5 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» тошириш учун қизғин кураш олиб борилаяпти. Бўлимда йиғим-терим ишлари ипатоволиклар усулида ташкил этилган. Шу туфайли далалардаги 14 терим машинасининг ҳаммаси унумли ишлатилиб, хирмонга барака киритяпти. Уни бошқараётган механизаторлар ва бошқа ишчилар учун иссиқ овқат ташкил этилган.

Бу йил мавсумда 300 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган тажрибали механизатор, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ширинбой Асроров, 150 — 200 тоннадан пахта териш мажбуриятини ўз зиммаларига олган Жумабой Эргашев, Эркин Ҳусанов, Абдуолим Жонҳўрозов каби механизаторларнинг ҳар бири кунига 6—7 тоннадан «оқ олтин» теришиб, бўлим заршуносларининг марра сари дадил ришларига муносиб қўшаётирлар.

Йиғим-терим сур... сайин авж олдир... зачўл районидаги ... XXIV съезди» ... барча бўлимла... ... ра қизитилаётир. Хўжа... хозиргг пахта да... 114 та «зангори кема» ... ним ишлатилятти. Хўжа... заршуносларн социалистик мажбуриятни қисқа муддатда бажаришга сўз беришган. Далаларда авж олиб кетган фидокорона меҳнат ва ҳар куни йиллик планнинг 5 процентн миқдорида пахта тоширилаётгани совхоз ишчиларининг сўзлари билан ишлари бир бўлаётганидан далолат бериб турибди.

Т. УНАБОЕВ.

КПСС XXVI СЪЕЗДИГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

КЎРК

- БРИГАДА ПУДРАТИ САМАРАСИ
- САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ ЙЎЛИДА
- ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Қадимий Шошнинг кўрки, салобати кейинги йилларда тамоман ўзгариб ўзгача чирой, ўзгача ҳусн, ўзгача тароват касб этди. Ўзи республика пойтахти ҳам бўйига, ҳам энига тезкор суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бу ерда бунёд этилаётган муаззам бинолар, уйлар кўзни қамаштиради. Шу нарса қувончлиги, ўнинчи беш йиллик бошлангандан бери, қатор кварталлар бунёд этилди. Бу ишларни амалга оширишда «Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трестининг аҳил коллективи ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Мана, Тошкентнинг тез суръатлар билан бунёд этилаётган массивларидан бири — Юнусобод массивидамиз. Кейинги йилларда бу ерда кўпгина уй-жой бинолари қад кўтарди. Замонавий талаб ва услубда қурилган бу уйларда минг-минглаб оилалар ҳовли тўйлари ўтказишди. Бунинг учун улар фидокор қурувчиларга минг бор миннатдорчилик изҳор этдилар. Чунки «Жилстрой» трести бригадалари бу ерда амалга ошираётган ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир.

Трест коллективи съездолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб меҳнатда кўпгина ютуқларни қўлга киритмоқда. Зеленограднинг машҳур қурувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлаётган бригадалар айниқса катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Наинки, улар орасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган.

Қирқинчи қурилиш бошқармасининг Баҳодир Шукуров раҳбарлигидаги комплекс бригадаси юқорида номи зикр этилган илғор бинокор методи асосида ишлаб, талайгина зафарларга эришди.

Монтаж бошқармасидан Виктор Демидов бошчилигидаги бригада ҳам социалистик мусобақада кўпинча ғолиб чиқяпти.

«Ташмосстрой» бошқармасидан Галина Вахнянина бошчилигидаги пардозловчилар ҳам социалистик мусобақада актив қатнашмоқдалар. Шу йилнинг бошида бу бригадалар ўзаро социалистик мусобакалашиш ҳақидаги шартномага имзо чекиган эди. Меҳнат беллашувининг асосий моддаларидан бири тезкорлик билан қуриш, материалларни кўплаб иқтисод қилиш ва қурилиш муддатларини қисқартирган ҳолда ишларни юксак сифатли қилиб бажаришдан иборат эди. Илғорлар ўз сўзларининг устидан чиқишди.

Ўзаро мусобақа янгидан-янги ҳаракат ва интилишларга кенг йўл очмоқда. Масалан Б. Шукуров бригадаси ва азаматлари ўйларнинг пойдеворини тиклаш ишларида янги метод яратишди. Одатда блоклар орасига бетон ётқизиш ишларида тахта опалубкалар қўлланилади. Бу иш жараёнида тахта опалубка қўлланилганда опалубкани пойдевордан олиб, қайта ишлатиш мумкин эмас. Бригаданинг ташаббуси билан металл опалубкалар қўлланида бошланди. Металл опалубкаларни истаган пайтда кўчириб олиш мумкин. Шу тарика ҳар бир бино пойдеворидан Шукуров бригадаси ярим кубометр тахтани иқтисод қилиб, ишлаяпти. Агар бригада коллективи йилига 30 дан ортиқ пойдевор кўтаришини ҳисобга оладиган бўлсак, коллектив кўплаб тахтани иқтисод қилиб колиши мумкинлиги ўз-ўзидан маълум. Бригаданинг бундан бошқа ибрат бўладиган томонлари кўп.

— Бу бригада трестдаги энг пешқадам коллектив ҳисобланади, — дейишади жилстройчилар.

Чиндан ҳам шундай. Шу йилнинг 1 апрель куни коллектив бажарилган ишлар ҳажми юзасидан икки беш йиллик планни бажарди. Ҳозирги кунларда бригаданинг календарида 1986 йилнинг иккинчи ярми бошланди. Коллектив биноларнинг пойдеворини ғоятда мустаҳкам қилиб тиклашга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки пойдевори мустаҳкам бўлмаган уй зилзилага бардош беролмайди.

Илғор коллективга аҳил кишилар уюшган. Улар ҳамма вақт ўз ишларига астойдил, сидқидилдан киришадилар. Унинг кўпчилик аъзолари бригада ташкил этилганидан бери ишлашади. Яқинда бригада ташкил этилганига 10 йил тўлади. Бу ерда кадрлар қўнимсизлиги тугатилган. Бу — бригада коллективи ҳеч ўзгармабди, деган гап эмас. Бригаданинг баъзи аъзолари ўз ихтисосликлари бўйича Тошкентдаги кўпгина олий ўқув юртларини сиртдан ва кечқурун ўқиб тугатиб, бошқа касбларни эгаллашган. Ўз маҳоратларини тинмай ошириб борган қурувчиларнинг баъзилари бошқа бригадаларда раҳбарлик қилишмоқда.

Бригадада фақат биргина аёл бор. Коллективнинг ветерани, тўртинчи разрядли бетончи Надежда Васильевна Дутик қарийб ўн йилдан бери шу бригадада меҳнат қиляпти. Бу меҳнаткаш аёл Бухоро, Фарғона шаҳарларидаги қурилишларда ҳам актив иштирок этган. Қурилишдаги кўп йиллик самарали меҳнати учун Н. Дутик Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

Бригададаги СССР Давлат мукофотининг лауреати, моҳир монтажчи Виктор Михайлович Тутинин билан ҳамма фахрланади. У 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин серқуёш ўлка пойтахтини қайта тиклаш учун Россиядан келган эди. Виктор Михайлович СССР Давлат мукофотини Ўзбекистон пойтахти янги марказини қуришда фаол қатнашгани учун архитектор ва қурувчилар коллективи билан бирга олишга муяссар бўлган эди.

Ҳукумат мукофотлари бригаданинг бошқа кўпгина аъзолари кўксини ҳам безаб турибди. Б. Шукуровнинг ўзи Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан совғаланган эди. У 40-қурилиш бошқармасининг партия ташкилоти секретари сифатида ҳам катта ишларни амалга оширяпти. У 1972 йилдан бери мунтазам равишда Октябрь район халқ депутатлари Советига сайланяпти. Октябрь район партия комитетининг бюро аъзосидир.

Бригаданинг барча аъзолари кўпгина турдош касбларни эгаллаб олишган. Ҳар бир қурувчи уч-тўрт хил соҳани бемалол эгаллаб олади. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, янгиликларни ҳаётга ўз вақтида жорий этиш бригада шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.

Бригаданинг мусобақадошлари ҳам илғор коллективдан ортда қолмасликка ҳар доим интилмоқда. Улар ҳам юксак марраларни кўзлаб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Чуновчи, Виктор Демидов бригадаси монтажчилари янгиликларни ҳаётга дадиллик билан татбиқ этиш туфайли кўпгина мушкул ишларни енгиллаштирдилар. Бу ишлардан бири шуки, бригадада опалубкалар орасидаги зичликни оширишга эришилди. Илгари опалубкалар орасида етарли зичлик бўлмагач, қоришма тахтанинг тешигидан оқиб кетарди. Бунинг натижасида кўплаб қурилиш материаллари исроф бўларди. Бригада коллективи бу тешикларни бекитишнинг иложини топди. Бунинг натижасида коллектив йил бошидан 8 тоннадан ортиқ цементни тежаб қолди. Бу эса яна ўнлаб квартиралар учун бетон конструкциялари тайёрлашга имкон беради.

Қурилиш материалини иқтисод қилиш ишида пардозловчилар ҳам катта ютуқларга эришмоқдалар. Галина Вахнина бошчилигидаги пардозловчиларнинг тажрибаси диққатга сазовордир. Уларнинг тежаб қолган материаллари пландан ташқари яна бир қават уйни пардозлаш учун кифоя қилмоқда.

Қурувчилик касбини шарафлаб, пойтахтимиз чиройига-чирой, ҳуснига ҳуси қўшаётган азаматлар ўз вазифаларига астойдил ёндашиб, меҳнатда ажойиб намуналар кўрсатмоқдалар. Мусобақа илғорлари эришаётган бу ютуқлар барчага ўрнак бўлмоқда.

Пешқадам бригадаларнинг коллективлари ўзларининг йиллик планларини аллақачон ушлаб қўйишган. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди очиладиган кунгача тоширишдан ташқари 1000 квадрат метрдан ортиқ уй-жойни фойдаланишга топшириш илғор коллективларнинг эзгу максадидир. Бу мақсад уларни янгидан-янги марраларни эгаллашга ундамоқда.

Я. ТЎХТАЕВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози механизаторлари бу йил она-Ватанга 10 минг тонна «оқ олтин» етиштириб беришга қарор қилишган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,5 минг тонна кўп демакдир. Хўжаликда машина терими қизғин давом этяпти. Бу ерда бешта терим-транспорт отряди ташкил этилган бўлиб, улардаги 56 та терим агрегати, 120 та транспорт тележкаси ва бошқа техника воситалари юксак унум билан ишлатилмоқда. Механизаторлар учун барча қулайликлар яратиб берилган.

Суратда: совхознинг комплекс механизациялашган комсомол-ёшлари бригадаси бошлиқлари, КПСС аъзоси Турсунойи Раҳмонова билан Озода Абдуллаевалар. Мусобақадош дуғоналар мавсумда ўз агрегатлари билан 350 тоннадан пахта териб беришга қарор қилишган.

Р. Ашуров ва А. Мирзажонов фотоси (ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЛЮКСЕМБУРГ КОММУНИСТЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ЛЮКСЕМБУРГ. Мондерканж шаҳрида Люксембург Коммунистик партиясининг «Цайтунг фум летцебургер фолк» газетаси байрами бўлиб ўтди. Бу байрамда коммунистлар, бошқа тараққийпарвар ташкилотларнинг, касаба союзларининг вакиллари, ишчилар, ёшлар иштирок этишди.

Байрам давомида партия босма органини тарқатиш кампанияси якунланди. Шу кампания туфайли мамлакатда Люксембург коммунистлари газетасининг ўқувчилари анча кўпайди.

Байрамда бадиий ҳаваскорлик коллективларининг артистлари берган концерт катта муваффақият билан ўтди.

БЎЛАЖАК СУД МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

ПЕКИН, 28 сентябрь. (ТАСС). Пекин матбуотининг хабар қилишича, ХХР олий халқ прокуратурасининг бош прокурори Хуан Хоцин жамоат ҳавфсизлиги министрлиги Линь Бяо ва Цзян Қинларнинг «контрреволюцион гуруҳлари» иши юзасидан дастлабки терговни тугаллаб, ишни прокуратурага топширганлигини маълум қилди. Прокуратура министрлик топширган иш материалларини кўриб чиқиб, айбланувчиларни сўроқ қилди.

Цзян Цин, Чжан Чуньцяо, Яо Вэньюань, Ван Хунвэнь, Чэнь Бода, Хуан Юншэн, У Фасянь, Ли Цзопэн, Цю Хуэйцзо ва Цзян Тэнцзяо судга бериладилар.

Улар: «гиж-гижлашда ва пролетар диктатурасини ағдариб ташлашга тайёргарлик кўришда», «партия ва давлатдаги олий раҳбарликни босиб олиш мақсадида ёлғон айбларга асосланиб, партия ва давлат раҳбарларини тақиқ қилишда», «Кўпдан-кўп кадр ходимлар ва халқ оммасига нисбатан тақиқ ва жабр-зулм қилишда», «Фашистлар диктатурасини амалга оширишда», «Раис Мао Цзэ дун жонига қасд қилишда», «Контрреволюцион қуролли исёнга тайёргарлик кўришда» айбланадилар.

Қузатувчиларнинг айтишича, Дэн Сяопин узоқ вақтгача шу суд мажлисини ўтказишга журъат қила олмай келди. У ўз душманларини Пекин сахнасидан аста-секин четлаштириб, чамаси, ҳозир қулай пайт келди ва суд мажлисида Пекиннинг сиёсий йўлидаги ҳамма бузилишлар учун айбни «тўртлар шайкасига» ва Линь Бяога ағдариш мумкин, деб ҳисоблади. Қузатувчилар бу суд мажлиси аслида Пекиннинг сиёсий йўлини, Мао ва унинг издошлари, шу жумладан Пекиннинг ҳозирги раҳбарлари ҳукмронлиги даврида социализмни бузиш ҳолларини қоралашга бенихтиёр айланиб кетади, деб таъкидламоқдалар. (Дарвоқе, айбланувчилар орасида Маонинг энг яқин ходимлари бор, улардан тўққиз киши ўз вақтида ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари бўлган, Маонинг хотини Цзян Цин ҳам шу жумлага киради).

Суд мажлисига чет эл матбуотининг вакиллари киритилмаслиги бу ерда маълум бўлди. Хитой расмий шахслари бу қарорни изоҳлаб, суд мажлиси давомида «давлат сирлари »очилиб қолиши мумкин, деб айтдилар.

ЭРОН — ИРОҚ МОЖАРОСИ АВЖИГА ЧИҚМОҚДА

Эрон билан Ироқ ўртасидаги ҳарбий можаро тобора авжига чиқмоқда. Жанг ҳаракатлари бўлаётган районлардан бир-бирига жуда зид хабарлар келмоқда. Аммо шунга қарамай бир нарса равшан: шу мамлакат ўртасида тобора кенг қўлам касб этиб, танклар, авиация ва артиллерия қўлланилаётган, катта ҳарбий қўшилмалар жангга киритилаётган ҳарбий тўқнашувлар Яқин Шарқда ўз тиғини империализм ва сионизмга қаратган милий озодлик ҳаракатига путур етказади, амалда шу икки давлатни заифлаштиради. Бошқа бир нарса ҳам равшан — можаронинг кенгайтирилиши империалистик доиралар ва аввало Америка империалистик доиралари ўзларига қарши турган кучларни парчалашга умид боғламоқдалар, кенг қўламдаги агрессив режаларини тузмоқдалар, Ироққа ҳам, Эронга ҳам қарши қўпорувчилик ишларини олиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам бу можаро араб мамлакатларини чуқур ташвишга солаётганлигига ажабланмаса бўлади. Бу мамлакатлар шуни яхши тушунадиларки, Яқин Шарқда уруш ҳаракатларининг тобора кенгайтирилиши АҚШнинг мазкур региондаги аралашувини кучайтиришгагина ёрдам бериши мумкин. Гарчи Вашингтоннинг расмий доиралари у ерда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан бетараф эканлиги ни айтаётган бўлсаларда, у ерга Америка қўшинларининг қўшимча қисмлари келтирилмоқда.

ҚУВАЙТ, 28 сентябрь. (ТАСС). АҚШ штаб бошлиқлари бирлашган комитетининг раиси генерал Д. Жонс бошчилигидаги Американинг мўътабар делегацияси шу кунларда Саудия Арабистонига визит билан борганлиги араб мамлакатларининг пойтахтларида жиддий ташвиш туғдирмоқда. Сиёсий кузатувчилар бу сафарни Эрон—Ироқ можаросн билан ҳамда нефть етказиб беришни таъминлаш бўҳонасида флотдан фойдаланиб Яқин Шарқ давлатларининг ички ишларига тўғридан-тўғри аралашишдан иборат Американинг муайян режаларини тайёрлаш билан бевосита боғлиқ сафар, деб билмоқдалар.

БАҒДОД, 28 сентябрь. (ТАСС). ИНА агентлигининг хабар беришича, Ироқ президенти С. Ҳусайн қўйидагиларни айтган: Ироқ ўзи аъзо бўлган халқаро ташкилотларнинг, шунингдек регионал ташкилотлар ва дўст давлатларнинг Ироқ—Эрон можаросини бартараф этиш мақсадидаги ҳар қандай тинчлик ташаббусини табриклайди. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотига кўра, кеча фронтнинг шимолий участкасида қаттиқ тўп отишмаси бўлган.

Ўтган кунлар ичида Эрон авиацияси Бағдодга уч марта ҳужум қилди. Бугун эрталаб шаҳарда икки марта ҳаво тревогаси эълон қилинди.

ТЕҲРОН, 28 сентябрь. (ТАСС). Эрон ҳарбий қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган маълумотида Эрон самолётлари Ироқ территориясидаги бир қанча қўприкларни, шу жумладан Эрбил-Мосул йўлидаги қўприкни ва шу райондаги радиотелевизион марказни вайрон қилганлиги қайд этилади. Эрон авиацияси Индалда темир йўлга шикаст етказди, насос станциясини ва нефть ишлаётларини ер билан яксон қилди. Форс агентлигининг хабарига кўра Эроннинг Аҳваз, Дезфул, Илом ва Карманшох шаҳарларидаги вазият «осойишта» бўлиб қолмоқда. Эрон қуролли кучлари бирлашган штаби Ироқ қўшинлари Аҳваз шаҳрини ишғол қилди деган хабарни рад этди. Бу шаҳар — Эрондаги Ҳузистон вилоятининг маъмурий маркази бўлиб, бу вилоят Эронда нефть қазиб чиқарадиган асосий райондир.

Эрон мудофаа министри Фақури Теҳрон радиоси ва телевидениесининг мухбири билан суҳбатда Эрон авиацияси асосий зарбани Ироқнинг нефть объектларига берганлигини айтди. Жумладан «Киркўқдаги нефть омборлари батамом яксон этилди» деб хабар қилинади.

Эрон нефть министрлиги ҳам Ободон ва Карманшоҳдаги нефть тозалаш заводлари мустасно қилинганда Эроннинг ҳамма нефть тозалаш заводлари тўла қувват билан ишлаётганини уқтирди.

Ироқ-Эрон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида дипломатик ишлар кучайиб бораётганлиги хабар қилинади. Эрон пойтахтига келган Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат Эрон президенти ва бош министри билан учрашди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, иккала мамлакат ўртасидаги жанг ҳаракатларини тўхтатиш мақсадида воситачилик қилиш музокаларининг асосий мавзуи бўлади. Бу ерга келган Покистон бошлиғи Зиёул Ҳақ Эрон раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Ислом конференцияси ташкилотининг бош секретари Х. Шатти ҳам Теҳронга келди.

(ТАСС, 28 сентябрь).

МАҲСУЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Избоскан районидаги «Ўзбекистон» колхозининг чорвадорлари ваъдага вафо қилдилар. Улар давлатга гўшт сотиш беш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Бундан олдин тухум ва жун сотиш беш йиллик планлари ҳам бажарилган эди.

Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилганлиги туфайли муваффақиятга эришилди. Колхозда ўрим-йиғим техникаси билан қуролланган ем-хашак тайёрловчи бригадалар пухта ишлаб турибди. Ҳар фаслига пичан, сенаж, силос, витаминли ўт талқони тайёлаш топшириғини анча ошириб бажариш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ҚАСИДАСИ

Совет музикаси Бутуниттифоқ фестивали ҳақиқий санъат байрамига, мамлакатимиз халқларининг қардошлик ва дўстлик тантанасига айланди. Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлаётган учрашувлар, концерт заллари ва клубларда, маданият саройларида, бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари ёки далаларда уюштирилаётган концертлар ажойиб кўтаринки руҳ билан ўтмоқда.

Мухбирларимиз фестиваль қатнашчиларининг бир нечтаси билан учрашиб суҳбатлашишганида улар қуйидаги фикрларни айтишди.

Вели МУХАТОВ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати
(Туркманистон)

— Совет музикасининг кўзкўз қилса арзигулик юзлаб машҳур симфониялари бор. Аммо, менимча, энг зўр, энг янгроқ симфония бу ерда, «оқ олтин» ўлкаси — Узбекистонда, Бутуниттифоқ фестивалида яратилмоқда. Бу Ленин партиясига, совет халқларининг қардошлиги ва дўстлигига, аниъанавий интернационал ҳамкорлик ва ижодий алоқага чинакам гимн бўлиб янграётган симфониядир. Шахсан мен ана шундай асар яратилишида қатнашаётганимдан бахтиёрман!

Сулхан НАСИДЗЕ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати
(Грузия)

— Биз шунинг учун ҳурсандмизки, қарийб олти миллион тонна «оқ олтин» хирмонини уюш учун курашаётган қаҳрамон ўзбекистонлик қардошларимиз билан улар учун энг масъулиятли бўлган даллларда учрашиб турибмиз. Биз бу ерга фақат «Ҳорманг!» дейиш учун келганимиз йўқ. Мақсадимиз — буюк эзгу ният билан меҳнат қилаётган, бепоён далаларда кечаю-кундуз тер тўкаётган пахтакор қардошларимизга озгина бўлса-да илҳом бағишлаш. Шахсан мен ўзбекистонлик дўстларимнинг қаҳрамонона меҳнатига кўп йиллардан буён қойил қолиб келаман. Улар ҳақиқий маънода жасорат кўрсатишаётир. Шу боисдан қардошларимиз ва уларнинг меҳнатига бағишланган ҳар қандай асарни бемалол олқишласа бўлади. Шу боисдан шундай асар яратган санъаткорни ғоят улуғвор ишни амалга оширган, деб табрикласа, унга ҳавас қилса арзийди. Қанийди, мен ҳам мана шунақа кутловга сазовор бўладиган музика асарлари яратсам...

Микаэль ТАРИВЕРДИЕВ,
РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати

— Фестивалга шарафларким, биз у туфайли пахтакор Узбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлиб у ердаги қардошларимиз билан учрашяпмиз, меҳнатлари ва ҳаётлари билан яқиндан танишяпмиз. Биз ижодий сафаримизнинг дастлабки кунларида Сурхондарё областининг шаҳар ва районларида бўлдик. Бу ерда ҳам Узбекистоннинг бошқа областларида бўлгани каби КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кетаётибди. Қардошларимиз партиямиз анжуманига аллақачон совғалар тайёрлаб қўйишибди. Биз уларни астойдил табриклади. Далаларда бўлганимизда пахта йиғим-теримида алоҳида ўрнак кўрсатаётган ажойиб замондошларимизни кўриб, хурсанд бўлдик. Масалан, Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг теримчилари қўлда бир кунда 200—250 килограммдан «оқ олтин» теришаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу — катта жасорат! Гулчеҳра Маматқулова, Ойгул Тошбоева сингари теримчиларнинг кунлик марраси эса 300 килограммга етмоқда экан. Бундай жасорат ва қаҳрамонликларни кўриб, илҳомланмай бўладими?! Мен фестивалдан қайтгач, сафар таассуротларим асосида «Олтин қўллар» симфониясини яратишни кўнглимга тугиб қўйдим. Бу ишни албатта қиламан ва қардошларим ҳузурига келиб, ижро этиб бераман.

Леонид АФАНАСЬЕВ,
РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати

— Биз ҳам Сурхондарё воҳасида бўлдик. Бу ерда бўлганимизда область меҳнаткашларининг катта «оқ олтин» хирмони учун олиб бораётган курашини ўз кўзимиз билан кўрдик, қалбдан ҳис қилдик. Айни вақтда бизни Амударё кемачиларининг шу кунлардаги актив иш фаолиятлари хурсанд этди. Мен Тошкентга келмасдан анча олдинроқ Амур соҳилларида концерт бериб қайтган эдим. Совет музикаси Бутуниттифоқ фестивалининг юксак савияда ўтаётганлиги, ўзбекистонлик қардошларимизнинг ҳар қанча ҳавас қилса арзигулик дўстпарварликлари, меҳнатлари барча санъаткор дўстларим қатори менга ҳам илҳом бағишлади: яқин орада «Амурдан Амугача» деган асар яратамен.



Суратларда: [юқоридан пастга] 1. Ажойиб асарлари билан совет музика санъатига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлар — К. Саква ва Б. Чайковский. 2. [чапдан ўнгга] Б. Ямпилов [Бурятия АССР], қозоғистонлик санъаткорлар Е. Раҳмадиев ва К. Кўжамяров. 3. Композитор А. Холминованинг «Аравача» спектаклидан бир кўриниш [Москва камер музика театри].

С. Маҳкамов ва А. Абдалян фотолари.

СПОРТ

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ГОЛИБЛАР

◆ **ГТО КУПКУРАШИ.** Олмалиқда «Комсомольская правда» газетаси совғини — Узбекистон чемпионати якунланди. Бир неча кун давом этган баҳсда Тошкент области командаси 2461 очко тўплаб пешқадамлик қилди. Тошкент шаҳри ва Фарғона области командалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақада 36 нафар йигит-қиз ГТО нишондори бўлди.

◆ **ТЕННИС.** Тошкентдаги «Динамо» теннис базасида мамлакатимиз кичик тўп усталари иштирокида СССР чемпионати баҳслари давом этмоқда. Дастлабки ўйинларда Г. Карапетьян А. Кацнельсондан устун келди. В. Коротков П. Аксановни енгди.

◆ **ФУТБОЛ.** Олий лига командаларининг 25-тур ўйинлари бугун «Қайрат» — СКА учрашуви билан ниҳоясига етади. Бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Арарат» — «Спартак» — 2:0, «Динамо» (Тб) — «Локомотив» — 1:0, «Динамо» (К) — «Черноморец» — 1:0, «Динамо» (М) — «Кубань» — 0:0, «Нефтчи» — «Шахтёр» учрашуви 13 ноябрга кўчирилди.

Биринчи лига коллективларининг галдаги ўйинларидан кейин чемпионат пешқадамлари «Днепр», «Таврия», «Помир» ва «Металлист» командалари 46 тадан очко тўплаб, мавқеларини мустаҳкамладилар.

◆ **ЧИМ ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Университет» командаси «Андижанка» коллективи (0:7, 1:5) билан учрашди.

◆ **ШАХМАТ.** Спорт мастерлигига номзодлар ўртасида ўтказилаётган республика турнирининг якунловчи ўйинлари олдидан И. Фомин 13 очко билан олдинда бормоқда.

◆ **ШАШКА.** Халқаро шашка бўйича ўтказилаётган Узбекистон чемпионати тугаши арафасида С. Давидов тўқиз очко билан пешқадамлик қилмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1980—81 ўқув йили учун

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига илғор колхозчилар, ишчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар колхоз, совхоз ва ҳарбий қисм қўмондонлиги йўлланмаси билан қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар ўрта мактабни тамомлагандан сўнг камида бир йиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

Институт ва институт филиали қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: агрохимик-тупроқшунослар, агрономдала мудирлари, селекционер-уруғчилар ва шолиқорлар, сабзавот-мева етиштирувчилар, соҳиблар, усти ёпиқ жойда сабзавот етиштирувчилар, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агрономлар, пиллачилар, ўрмон хўжалиги инженерлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодчи-ташкилотчилари, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича экономистлар, кенг профилли зооинженерлар.

Тайёрлов бўлими тингловчилари етоқхона, стипендия билан таъминланадилар (корхоналардан командировкага юборилганлар 15 процент ортиқча стипендия оладилар). Тайёрлов бўлимини тамомлаб, имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институтнинг биринчи курсига кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ректор номига ариза, белгиланган намунадаги йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), сўнгги иш жойидан корхона раҳбари, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланган характеристика, СССР Қуролли кучлари сафидан запасга бўшатилганлар учун йўлланма (ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланган бўлиши керак), медицина справкаси (286-форма), 8 та фотосурат (3×4 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчасидан (колхоз дафтаридан) кўчирма (маъмурият томонидан тасдиқланган) топширадилар.

Аризалар — 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади. Суҳбат — 15 ноябрдан 25 ноябргача, қабул — 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700183, Тошкент шаҳри-183. Телефон: 62-23-02.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1980—1981 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларга тавсиянома ўқишга йўлланма бериш масаласи кўрилаётган пайтда иш стажи камида бир йил бўлганларга берилади. Амалий иш стажи шу корхонада (колхозда) ишчи (тайёрлов бўлимига қабул қилинаётганда шогирд бўлиб ишлаган вақти ҳисобга олинмайди) ва колхозчи сифатида узлуксиз бир йил ишлаган бўлиши керак. Ўқишга юборилиадиган колхозчилар шу колхоз учун белгиланган меҳнат куни минимумини ҳар йили бажарган бўлишлари керак.

МЕҲНАТ СТАЖИ БУЛГАН ВА 1980 ЙИЛДА КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИЛАР.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидагиларни тақдим этадилар: институт ректори номига ариза, йўлланма (2, ёки 1, 3 қўшимча), ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши керак), медицина справкаси (286-форма), 8 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

АРИЗАЛАР — 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Математика, физикадан суҳбатлар — 11 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.

Тингловчилар сафига қабул қилиш — 25 ноябрдан 30 ноябргача.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ ТАМОМЛАБ, ИМТИҲОНЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАНЛАР ИНСТИТУТНИНГ 1 КУРСИГА КУНДУЗГИ ЎҚИШГА КИРИШ ИМТИҲОНИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 декабрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ойига 40 сўм стипендия оладилар, бошқа шаҳарлардан келганлар етоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700045, Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй, Ашхобод шаҳри, Камина кўчаси, 68-уй, институт филиали.

ЎЗБОРОТ

ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Пахта йиғим-терими кунларида Узбекистон йўлларида юздан ортиқ кўчма дорихоналар қатнай бошлади. Фармацевтлар дори-дармон учун буюртмалар қабул қилиб, бу дориларни пахтакорларга етказиб бермоқдалар. Мавсум бошидан буён колхоз ва совхозларнинг бригада дала шийпонларига махсус ташланган тайёр дори-дармонлар, дастлабки медицина ёрдамини кўрсатиш учун мўлжалланган боғлаш воситалари бўлган қилкам 150 минтга аптечка ўрнатилди. Мавсумий болалар яслилари оналар ва бола учун тайёрланган аптечка билан таъминланди.

ШИФОБАХШ ДОРИ

Андижон педагогика институтининг олимлари жўжалар касалланишига қарши курашнинг самарали воситаси сифатида таркибида йод бўлган туздан фойдаланишни, йод бўғлари билан эса паррандачилик фабрикаларини дорилашни таклиф қилдилар. Фан кандидатлари К. Ҳайдаров билан О. Эргашев, илмий ходимлар К. Раҳимов билан Х. Исоқовлар уч йил давомида ўтказган тажриба асосидаги йод нафас олиш касалликларини анча камайтириш имконини беради. Андижонлик олимларнинг даволаш методини жорий этишдан келадиган иқтисодий самара область паррандачилик бирлашмасидаги биргина ана шу фабриканинг ўзида бир йилда 400 минг сўмдан кўпроқни ташкил этади.

САНИТАРИЯ ПОСТЛАРИ

Жиззах медицина билим юртининг битирувчиларидан юз киши далага чиқди. Улар Пахтакор, Арнасой ва Дўстлик районлари хўжаликларининг дала шийпонларида санитария постларини ташкил қилиб, деҳқонларга дастлабки ёрдам кўрсатмоқдалар.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

НАҚҚОШ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ УСТА МАҲМУД УСМОНОВ 70 ЕШДА

⊙

Ҳар бир йирик санъаткорнинг ўз қўшиғи бўлади. Унинг бутун ижоди ана шу — асосий қўшиқни юзага чиқаришга қаратилади. Таниқли уста Маҳмуд Усмоновнинг шу маънодаги асари, эҳтимол, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети маъмурий биносидаги «Халқлар дўстлиги» намоёнидир. Улкан намоёнда гултувакда ўсган гул ифода қилинган. Қабариқ гултувакда Совет Иттифоқининг Давлат герби нақш этилган. Гулнинг асосий новдаси ва ҳар бир ён шохлари учига иттифоқдош республикаларнинг давлат гербларини ишланган. Гултувакдаги, гул новдасидаги безаклар ҳам, новдалар ва гербларнинг орасида ажиб бир жозиба касб этиб турган ўсимликсимон (ислимий) нақш ҳам асарнинг композицион яхлитлигини, миллий руҳини бўрттирган. Намоёндаги гуллар орасида чамандек очилиб турган пахта тасвири ярқ этиб кўзга ташланади.

Совет Иттифоқининг Давлат герби нақш этилган улкан гултувак, ундан барқ уриб чиққан гул, унинг новдасидаги иттифоқдош республикаларнинг давлат гербларини биринчи планда ишлагани учун ҳам даҳоли киши эътиборини жалб қилади ва бепоён мамлакатимизнинг, халқлар дўстлигининг рамзи сифатида намоён бўлади.

Уста Маҳмуд Усмоновнинг баркамол асарларидан бири — «Халқлар дўстлиги» намоёни қардошлик оиласида камол топаётган совет халқларининг дўстлигини улуғловчи нодир ганч ўймакорлиги асаридир. Бу асар устанинг ижодида ҳам, ўзбек халқ амалий санъатида ҳам янгилик бўлди. Табиийки, намоён ўз-ўзидан юзага келгани йўқ..

— Гулганч усталик сирларини отам уста Усмон Иқромовдан, машҳур уста Ширин ота Муродовлардан ўрганганман, — дейди Маҳмуд ота. — Отамнинг отаси ҳам уста ўтган... Халқимизнинг амалий санъати тарих қадар қадимийдир. Мен ота-боболаримиз яратган ажойиб анъаналарни замонавийлаштиришга, ганч ўймакорлик асарларига давр руҳини сингдиришга интиламан...

1967 йил. Архитекторлар Е. Г. Розанов ва В. Н. Шестоколов Узбекистон ССР Министрлар Совети биносининг ички ганч ўймакорлик ишларини бажаришни уста Маҳмудга таклиф этади. Бундан устанинг боши кўкка етди. У даҳоли бир неча нусхалар яратди. Бу борада ҳозирги Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали театри ва Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта театри биносини безаш жараёнида Ш. Муродов, У. Иқромов, Т. Арслонқулов, Қ. Жалилов сингари халқ усталаридан олган таълими, машҳур Ситораи Моҳи Хосса ва бошқа асори обидаларнинг ганч ўймакорлик нақшларини қайта тиклаш кезларида йиққан тажрибалари жуда асқотди. Республика Министрлар Совети биноси ичидаги залларни безашда уста Маҳмуд Усмонов бутун истеъдодини намойиш қилди. Уста қўлида оддий ганч жонланди, манзара ва мазмун касб этди. Ана шу ажойиб ишлари учун уста Маҳмуд Усмонов республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвонига муяссар бўлди.

Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри ички безаги ҳам уста Маҳмуд Усмоновнинг ажойиб ишлари сирасига киради. Театр фойесидаги ганч ўймакорлик композициясида ҳам, саҳна пештоқи ва театр балконининг ганч ўймакорлик безакларида ҳам бир равшанликни, дилни титратгувчи позиклиқни, нафосатни кўрамиз. Уста театр залини безашда халқ мотивларига ижодий ёндашган ҳолда ажойиб туркум нақшин асарлар яратди.

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг ички деворига уста Маҳмуд Усмонов ва унинг шогирдлари ишлаган «Яшнаётган Узбекистон» намоёни жиддий ижодий изланишларнинг самараси бўлди. Деворга ишланган мураккаб композицияли нақшлар мазмуни, моҳият эътибори билан муайян бинога хос. Ҳар бир нақш яшнаётган Узбекистон ҳақида ҳикоя қилади. Намоёнда классик анъаналар замонавийлари билан уйғунлашиб кетган ва композицияни тўлдирувчи аломатлар узукка кўз қўйгандай ярашиб тушган, мукаммал, нафис ва бетакрордир. Уста Маҳмуд Усмонов ва Қодиржон ота Ҳайдаров (у киши музейга кираверишдаги қўштабақали нақшдор эшикларни ишлаган эди) В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини безадаги ишлари учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати бўлдилар.

Маҳмуд отанинг архивида юзлаб хатлар, табрикномалар қатори устани СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги билан қутловчи донецклик ишчиларнинг телеграммаси ҳам сақланади. Унда қайд этилганидек, Тошкент марказининг кўркамлашишида чиндан ҳам устанинг хизматлари беқиёс. Маҳмуд ота ва шогирдлари ишлаган нақшлар «Мовий гумбаз» ошхонаси ва чойхонасига, «Баҳор» концерт зали, Тошкент Марказий универмагининг Совғалар бўлимига, яна қатор иншоотларга файз бағишлаб турибди. Санъатшунослар бу биноларга ишланган безакларни уста ижодининг гултожи, дея эътироф этишади, «Баҳор» концерт залининг пештоқига ўйилган ганч ўймакорлик безаклари ўзининг салоҳияти, бетакрорлиги, гулларининг нафислиги, ёрқинлиги билан маҳобатлидир...

Суҳбатларимизнинг бирида Маҳмуд ота шундай деб қолди: — Чорак асрча муқаддам биз — халқ усталарининг бошига «ташвиш» тушди. «Амалий санъат эскирди. Бугунги кун учун ортиқча», деган «таълимотлар» пайдо бўлди. Ўша пайтлари мен В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройида ганчкорлик тўгарагини бошқарар эдим. Бу «таълимот»дан ташвишланиб, мутасадди ўртоқларга мурожаат қилдим. Ҳатто уларнинг айримлари ҳам: «Замон руҳини тўғри англай олиш керак. Қўйнинг бу сохангизни, тиричилик гами эмас эди. Амалий санъатнинг шундай бир новик, жиҳати борки, уни ўтаётган авлоддан янги авлод мерос қилиб олмаса, такомидида турғунлик бўлиб қолиши мукаррардир. Мен қуйнинг «Литературная газета»га мурожаат қилганимда редакция ҳам бу санъатнинг яшовчанлигини эътироф этди. Ҳаётнинг ўзи ҳам буни тасдиклади. Бугунги кунда Қодиржон ота Ҳайдаров сингари машҳур усталаримизнинг асарлари оламшумул довруқ қозонмоқда-ку! Ҳозир 120 дан ортиқ шогирдим бор. Уларнинг ўн олтитаси СССР Рассомлар союзининг аъзоси. Шу кунгача Иттифоқ миқёсида салкам 400 га яқин катта-кичик иншоотларни ганч ўймакорлиги нақшлари билан безадик. Мен нимагаки эришган бўлсам, мингминг йиллик тарихга эга бўлган ота-боболаримиз касби туфайли эришдим!..

Куни кеча Маҳмуд отанинг асарларини кўздан кечириб юриб, Тошкент Марказий универмаги Совғалар бўлимига кирдим. Чуст дўппили, мош-гуруч соқолли бир отахон ойна замнли ганч ўймакорлик безагидан кўз узолмай турган экан. Мен унинг серажин, нуроний чеҳрасида ҳайрат ифодасини кўрдим. Меҳрга тўла кўзлари намланган эди. Отахон безакни ҳарислик билан узоқ томоша қилди. Ниҳоят, у бошини кўтарди. Менга кўзи тушди, маъноли бош ирғади. Чамаси у: «Ота-боболаримиз шундай буюк ва нафис санъат яратганлар-а!» демоқчи эди.

— Ким ишлаган бўлса ҳам қўли гул уста экан! Отасига минг раҳмат!

Отахоннинг гапидан сўнг менинг ҳаёлимга бир фикр келди: Узбекистон Фанлар академиясининг Москвадаги меҳмонхонасида, пойтахтнинг «Тошкент», «Фарғона» кўчаларидаги кўркам ошхоналарда, Сочидаги «Узбекистон» санаторийсида, Қора денгиз пароходчилигига қарашли «Узбекистон» теплоходида (унинг бир хонаси ганч ўймакорлиги билан безатилган), Донецк шаҳридаги «Узбекистон» гастрономида, Ульяновскдаги хиёбонда... бўлган минглаб кишилар ҳам нафис санъат асари — ганч ўймакорлиги нақшларига маҳлиё бўлиб қолишлари, «Тасанно-е! Ким яратган бўлса ҳам қўли гул уста экан!» дейишлари табиий.

Бу асарларнинг муаллифи, ўзбек ганч ўймакорлик санъатини дунё халқларига кўз-кўз этиб, уларнинг эҳтиромини қозонаётган уста — халқимизнинг таниқли фарзанди, Узбекистон ССР халқ рассоми уста Маҳмуд Усмоновдир.

Ғаффор ҲОТАМОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «БОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Егор Буличев ва бошқалар. Фильм-спектакль. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.35 — Телестадион. 16.05 — Мунозара-клуб. 17.05 — Концерт. 17.35 — Ешлар адреслари. 18.35 — Сиз яратган боғ. 19.05 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Халқ оҳанглари. 20.15 — Крошнинг таъзилари. Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали ҳаёт. 23.20 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Болалар учун концерт. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Телетеатр почтаси. 18.20 — Болалар учун кинофильм. 18.50 — Ўқув бригадасида. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Совет Қорақалпоғистони ёзувчилари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Х. Охунова концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Ишга туширилаётган объектлар — сафда. 22.25 — Осиё устида бўрон. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ешлик. 20.55 — Узбекистонда совет музикаси Бутуниттифоқ фестивали.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек оммавий қўшиқлари. 9.30 — Узбекистонда совет музикаси Бутуниттифоқ фестивалининг йўлдоши. 12.10 — «Узбекистон ишчиси». 13.00 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик. 13.30 — Дам олиш соатида. 14.00 — Ташаббускор пахтакорлар ҳузурида. 18.50 — «Ешлик». 19.45 — СССР санъат усталари сўзлайдилар. 20.25 — Концерт. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Бир шеър кечаси. 21.20 — Концерт. 22.30 — Б. Нероид шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Лирик қўшиқлар.

ТЕАТР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ — «ОЛИМПИАДА-80»ГА

(2 бўлимдан иборат)

«ДЕНГИЗ ЭРМАКЛАРИ»

АТТРАКЦИОНИ

Доғистон АССР халқ артисти МИХАИЛ ИВАНОВ раҳбарлигида АЙИҚЛАР БИЛАН ДОРБОЗЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ ПАУЗАЛАРДА МАСХАРАБОЗЛАР: Евгений АГАЕВ, Александр КОРНИЛОВ, Юрий СУЧКОВ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ЖОЙЛАРДАГИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРГА КАССИРЛАР БОРИБ ХИЗМАТ КУРСАТАДИЛАР.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-84; 44-35-91.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IX да **Келинлар қўзғолони**, 1/X да **Абу Али ибн Сино.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/X да **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IX да **Корчалонлар** (19.30), 1/X да **Кўзингни каттароқ оч** (19.30).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг «Узглавкаракулпром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма бошлиги Н. Х. Зулфиддиновга укаси

Носирхон Хўжаевич ЗУЛФИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма бош бухгалтери

Ҳамидулла Эрматович ҲОЖИМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-43, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясн пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-14, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-69-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-70-02; Андижон — 4-48-83; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. 02254. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64563. Б. — 225.